

Сайёра ЙЎЛДОШЕВА

УМИДЛИ ДУНЁ

Ҳаётий ҳикоялар, қатралар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2007

84(55)6-44 УЗБ. адаб. асарлари —
Ҳикоялар

Ушбу китобимни отам Йўлдошбой
Машраббой ўгли ва онам Лутфинисо
Фозилжон қизининг порлоқ
хотирасига бағишлайман.

Тақризчи — Олимжон Назаров.


АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

*Бу беш кунлик дунёда ҳамма бахтга интилиб, унинг пойига бош
уриб яшашни хоҳлайди. Бу — бор-йўғи орзу. Бахтни қанчалик
истамайлик, бот-бот қўймайлик, ҳеч ким уни бизга икки қўллаб
тортиқ этмайди. Шууримиз уйғоқ, иймон-эътиқодимиз бутун экан,
лоақал битта ўксик кўнгилга бир чимдим юпанч ҳадя қилиб кўрайлик.
Ўшанда бахтнинг ўзи қалб деб аталган кўрғонимизга жарангдор кўшиқ
бўлиб кириб келади...*

*Мен бахтни умидга кўз тикиб, унга сиғиниб топган аёлман. Шу
боис, бу умидли дунёда бахтга эришиши йўлида барчангизга сабр-қаноат
тилайман.*

МУАЛЛИФ.

Ю 32880
091



©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

“МЕН ЎЗИ ҚАНДАЙ АЁЛМАН”

Менга жуда қадрдон бу аёл оилани тожу тахтим, умрим адоғига қадар тугал бахтим, деб биледи. Зеро, бу бахтнинг мунаввар шукронаси боис покиза дилларда ҳаловат яшайди, чинакам садоқатнинг саодати тантана қилади, умр дарахтининг ширин мевалари бўлмиш фарзандлар ўксиш нималигини билмай вояга етади.

Мен сирдош синглимнинг исмини истагига кўра ўзгартириб, Гулҳаё деб атадим. Унга ҳавасим келади. Қишлоқнинг содда бу аёли ўз оиласи бутунлиги учун ситамларга бардош бериб бўлса-да, ўзида жасорат тўплаб кураша олди. Гулҳаё бир этак бола билан эрсиз қолишдан ҳам кўрқмай, ҳали турмуш остонасига қадам қўймаган, келинликнинг оппоқ ҳарир рўмолини бошига ёпмаган бир қизни маломатдан сақлаб қолди.

* * *

Бу воқеани Гулҳаё менга айтиб берганига 10 йилдан ошди. Кейинчалик ёзиб ҳам келтирганди. Ўшанда хатни тайёрладим-у, ҳали битиб улгурмаган ярани янгилаб юбормай, деган андиша билан ташлаб қўйгандим.

Иттифоқо, яқинда Гулҳаё юзлари ял-ял ёниб хонамга кириб келди. Орадан қанча йиллар ўтган бўлса-да, у ёшаргандек, тўлишиб яна гўзаллашиб кетгандек эди. Мен билан кўришаётиб, кулфи-дили очилди:

– Сирдош опагинам-а, бахтимга ҳамиша омон бўлинг. Барча ҳасратларимни фақат сиз сабр-қаноат билан эшитгансиз.

У чўнтагидан сиртига никоҳ узуги акси туширилган таклифнома узатди:

– Икки ўғлимизни баробар уйлаяпмиз, уйдаги иккита қизимиз тўртта бўляпти, опагон.

Гулҳаё мени яна бағрига босганича қувончдан кўз ёшларини тиёлмади. Биз иккимиз ҳам шу онда ғайриодатий кўришиб эришилган бебаҳо бахтнинг шириндан-ширин шарбатидан тотаётган эдик...

ГУЛҲАЁНИНГ ХАТИ

“Она бўлиш жуда қийин экан, опажон. Гуноҳкор отаси-ю, мен болаларимнинг кўзига тик қаролмайман. Бир ойдирки, оиламизда ҳаловат йўқ. Нима еб, нима ичаётганимни билмайман. Ишимда унум қолмади. Мавлон ака билан аразлашганман. Болаларимиз воситасида гаплашамиз. У киши:

— Онангга айт, чой дамласин, — дейди.

Мен катта ўғлимни ниқтайман:

— Отангга айт бозорлик учун халтани қозиққа илганман, — дейман.

Айни саратон палла эди. Ўшанда кун узундан узоқ, тун бир тугам. Кун бўйи фермада куймаланаман. Говмишларимни силаб сийпалайман. Соғин тугаб мен уйга қайтгач, Мавлон акам фермага жўнайди. Новвосларни емлаб, боқиб алламаҳалда қайтади.

Кутилмаганда фермадаги жувонлар ўртасида шивир-шивир пайдо бўлиб қолди. Тўпланиб турган соғувчиларнинг кўзи менга тушди дегунча гапдан тўхтаб, тарқалиб кетишади. Ҳайрон бўлиб, кекса соғувчи Гулсара опадан сўрадим:

— Нима гап ўзи, опа, менсиз сирлашадиган бўлиб қолдинглар?

— Ҳеч гап йўқ, ўзимиз шунчаки... — деб мендан узоқлашди.

Фақат ёш, ўзига андек бино қўйган соғувчи Жамилагина гўё ҳеч нарса бўлмагандек уларга ҳам қўшилмай, менга ҳам яқин йўламай иши билан овора бўларди.

Кўп вақт ўтмай сир очилди. Мавлон акам билан Жамила икковлари ферманинг дам олиш хонасида алламаҳалгача қолиб кетадиган одат чиқаришган экан.

Сирдан воқиф бўлгач, Жамилани холи жойда учратиб гаплашмоқчи бўлдим. У негадир соғинни эрта тугатиб, менга рўпара бўлмаёқ уйига кетиб қолаверди.

Мавлон акам ҳам ўзгариб қолди. Болалар билан бир дастурхон атрофида камдан-кам ўтирар, муомаласи ҳам дағал, ҳар биримиздан бўлар бўлмасга нуқсон топиб, камситадиган бўлди. Уйда бошлаб қўйган иши ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Фермага эрта кетиб, тун оққанда келадиган бўлди.

Бир кун ярим тунда Мавлон акам анча хуш кайфиятда уйга кириб келди. Сабабсиз ичадиган одати йўқ эди. Бу сафар озроқ ичгани дарров сезилди. Болалар уйқудалигидан фойдаланиб, анча пайтдан буён дилимни кемираётган миш-мишдан гап очдим:

— Мавлон ака, яхши ниятда бир ёстиққа бош қўйганмиз. Фарзандларимиз бор-а. Фермадаги гапларга нима дейсиз?

— Қанақа гап? — Мавлон ака аввал сир бергиси келмай саволимга савол билан жавоб қилди. Ранги негадир тундлашди. Бояги хушчақчақлик ҳолатидан асар ҳам қолмади. — Фермада тинчлик! — кесатди. — Сен хотинларга ҳамма вақт ана шундай гап топилмайди. Бир етим қиз билан ҳам ака-сингилдай гаплашиб бўлмайди.

— Бўлмайди! — дедим қатъият билан ич-ичимдан отилиб чиқётган хўрликка бардош беролмай. — Бир етим қизнинг бошини силайсиз, атрофида парвона бўласизу, вояга етаётган ўғил-қизларингизни ер билан яксон қилиб камситасиз. Сизда диёнат борми ўзи?

Энг сўнгги сўзим бўғзимда қолди. Юзимга тушган тарсакидан юз тубан йиқилдим. Кетма-кет тепки зарбидан ҳушимдан айрилаёздим.

— Қизғансанг кетимдан пойла, аввал тутиб ол! Шунда сенга тан бераман, — Мавлон ака ҳансираганча шундай деб хонадан чиқиб кета бошлади.

— Мана кўрасиз, тутиб оламан ҳам, — дея олдим зўрға.

Уч кун кўрпа-тўшак қилиб ётдим. Бу кўргуликни ўғил-қизларимга билдирмадим. Йиқилиб тушдим, деб баҳона қилдим. Сал ўзимга келиб олгач, кеч оқшом фермага жўнаган Мавлон акамнинг изидан йўлга тушдим. Зимистонда бир қадам нарини кўриб бўлмасди. Қишлоқнинг тор, сўқмоқ йўлидан ўз тақдиримдан ҳам муҳим — фарзандларим келажagini ўйлаб, шиддат билан борардим. Шу тобда қизиб турган танамда на кўрқув, на оғриқ бор эди. Фермага етиб борганимда кечга қолган соғувчилар энди челақларини ювиб, илгакка илишаётган экан. Қоровулхонанинг ним қоронғи бурчагида биқиниб олиб, уларнинг чиқиб кетишларини кутдим.

Соғувчилар дарвозадан ташқарига шовқин-сурон кўтариб чиқиб, уй-уйларига тарқалишди. Биргина Жамила ниманидир баҳона қилиб дам олиш хонаси томон чопқиллаб кетди. Қайтиб чиқишини кутдим, чиқмади.

Зимдан ферма ховлисини кузатдим. Қоровул Олим ака анча олисда, ҳашақ ўғирлаш пайида бўлган болаларга гап уқтириш билан овора. Мавлон акам негадир кўринмади. Демак, у ҳам дам олиш хонасида. Шу онда вужудимда ўзим сезмаган бир ҳолатда куч-қувват пайдо бўлди. Хаёлимга Мавлон акамнинг “Қизғансанг кетимдан пойла, аввал тутиб ол. Шунда сенга тан бераман» деган сўзлари келди-ю, дам олиш хонаси томон илдамладим. Эшик тутқичини тутганимда тўсатдан миямга бир ўй келди: “Мавлон акам балки ичкарида йўқдир. Аёллар гап халтаси очилиб кетиб, миш-миш қилишган-у, мен

ёстикдошимга ўринсиз гурбат тошини отаётган бўлсам-чи? Унда Мавлон акам нега ишонч билан аввал тутиб ол, дейди?.

Ичкаридан Жамиланинг қиқир-қиқир кулгани эшитилди. Шундагина эшикни зарб билан очдим. Очдим-у, Жамилани тик турганича Мавлон акам бағрида юзини юзига теккизиб эркаланаётганини кўрдим. Шу пайт ток ургандек Жамила шиддат билан эркак бағридан чиқиб, ўзини панага олди. Мавлон ака эшик томон ўгирилди-ю, тили калимага келмай қолди. Гуноҳкор одамдек бошини куйи эганича ташқарига йўналди.

Сочлари тўзгиган Жамила ерда ётган рўмолини олишни ҳам нутиб, бурчакда мукка тушганича юзларини яшириб овоз чиқармай йиғларди. Кўлидан маҳкам тутиб тургаздим.

— Олдимга туш! — дедим, товушимда нафратомуз жирканиш зоҳир эди.

— Қаёққа? — деди Жамила кўзларимга қаролмай.

— Энангнинг олдига.

— У ерда нима қиламиз?

— Борганда биласан.

— Йўқ-йўқ, бормайман. Энам мени соғ қўймайди.

— Соғмисан ўзи? Ерда ётган рўмолингдек номусинг ҳам топталмаганми? Ростини айт?

— Чин сўзим опажон. Ҳали...

— Кўзларимга тик боқиб айт. Пок бўлсанг кечираман. Акс ҳолда бўғиб...

— Покман, опажон покман.

— Унда, олдимга туш!

У индамай олдимга тушди. Уйларига боргунча чурқ этмадим. У муттасил ўксиб-ўксиб йиғлаб борди. Остона ҳатлаш олдидан Жамила оёқларим остига тиз чўкканча ёлворди:

— Опажон, мен гумроҳни кечиринг, энди қайта учрашмайман, Сизга сўз бераман. Ифғатимни сақлаб қолдингиз. Бошим гир айланиб, нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай гаранг эдим. Кўзимни очдингиз. Жон опажон, энамга айтманг. Бу иккимизнинг сиримиз бўлиб қолсин.

— Яхши, тур ўрнингдан! — дедим.

Ҳикоят хола бир менга, бир қизига тикилиб жаврай кетди:

— Шу, бемаҳалда тугайдиган ишларинг ҳам бор бўлсин. Хавотирда кўзим илинмай ётувдим. Эркаксиз уй—уй эмас-да. Ортидан одам юборай десам, ҳеч кимим йўқ. Қизим сенга нима бўлди? Ит қувгандай рангинг бир аҳволда, қўрқдингми?

– Хавотир олманг, хола, – деб Жамиланинг ўрнига мен жавоб қилдим. – Ит тишлай деган экан, мен ҳай-ҳайлаб қолдим. Қўрқма, уйингача олиб бораман, деб ўзим элтиб келдим.

– Раҳмат, чирогим, қизимни асрабсан, илоё фарзандларингнинг роҳатини кўр. Мавлонжон билан қўша қаригин.

Хола дуога очган қўлларини юзига тортди.

Мен изимга қайтдим. Жамила кузатаётиб, шундай деди:

– Гулҳаё опа, сизга бир гап айтайми? Мен энди фермага қадам босмайман. Сўзим-сўз. Эртадан шаҳардаги опамникига кетаман. Энамнинг олдига ўғил жиёнларимдан бирини қўйиб, ўзим шаҳарда ишлайман.

– Қароринг қатъийми? – деб унинг йиғидан қизарган кўзларига боқдим.

– Қатъий опа, анча олдиндан шундай ният билан юрган эдим. Энам ҳам рози бўлганлар.

– Хайр, эҳтиёт бўл-да, шаҳарда ҳам итларга таланиб юрма. У ёқдаги итларнинг тиши ўтқир бўлади-я, – дедим.

Жамила бошини эгтанича қолди.

АРАЗ

Шундан сўнг Мавлон акам икки ҳафта уйда тунамади. Фермада ўғринча олисдан менга бир икки қараб қўяди-ю, ишини тугатиб, онасиникига жўнайдди. Яқинимга келолмайди. Фермада дарров гап бўлди:

– Жамила ишдан бўшабди. Аризани энасидан бериб юбориб, ўзи шаҳарда ишлагани опасиникига кетибди.

Соғувчи ҳамкасбларим атрофимда гирдикапалак бўла бошлашди:

– Тузукмисан, Гулҳаё? Кўрпа-тўшак қилиб олибсан, деб эшитдик. Мавлон акадан сўрасак, тунда тўнкага қоқилиб йиқилиб тушибди, дедилар, кўзингга қараб юрсанг бўлмайдимми, дугонажон.

Мен жилмайиб қўя қолдим.

Билардим, Мавлон акам бир сўзли, ғурурли эркак эди. Ўз ғурурини жиловлаб олиб, бўйин эгиб оиласига қайтиши осон эмасди. Бунинг учун маълум вақт кераклигини сезиб, чурқ этмадим. Майли кўнгли тусагунича, ўзи айбдор эканлигини идрок этгунга қадар қайнонам, қайнотамникида яшайверсин, дедим. Ўғил-қизларимнинг бирортасини изидан чоптирмадим. Тўғриси, аёллик ғуруримнинг оёқ ости бўлишини истамадим, қалбим амрига қулоқ солдим.

Ўн бешинчи куни оқшом пайти уйимизга қайнонам кириб келдилар. Ҳеч нарса бўлмагандек одатдагидек кучоқ очиб кўришдик. Иззат-икром билан кўрпача тўшаб, тўрга ўтқаздим. Дастурхон ёзиб, чой тарадудини кўрдим.

— Жоним қизим, чойга овора бўлма, ҳозир кечкиликдан туриб келяпман. Эси йўқ ўғлимни бир сафар кечир. Жондан азиз нуридийдаларингнинг онасини урасанми, аҳмоқ, уволи тутмайдими, деб роса койидим. Ишонсанг, ҳассам билан бир-икки туширдим ҳам. Энди қўл кўтармасликка сўз берди.

— Гуноҳим бордирки, қўл кўтаргандирлар-да, эна. Аразлаб кетмасалар ҳам бўларди, ўз уйлари эди, — дедим кўзларимни ерга қалаб.

— Шунни айтаман-да, эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, деб. Аразга нима бор? Отаси ҳам ҳайрон:

— Хотин кишидек шўппайиб араз қилганинг нимаси, деб бугун уйдан иккимизни ҳайдаб солдилар. Бор, уйига қўйиб кел, дедилар.

— Ана, эшик ортида тумшугини осилтириб турибди. Ҳой, невараларим қаёқда, отасини чақиринсин.

Қўшни хонада дарс қилаётган болаларим ҳам худди шунни кутиб туришган эканми, бир-биридан қолмай кўчага чопишди.

Мавлон акам кенжа қизини кўтариб, каттасини етаклаб, уйга кириб келди. Қайнонам дарров кетиш тараддудига тушдилар. Тураётги дуо қилдилар. Сўнг тайинладилар:

— Аҳил бўлинглар, болаларим, бу беш кунлик дунёни араз-тараз қилиб ўтказиб юбориб, кейин аттанг қилманглар.

Мавлон акам билан онамизни дарвозагача кузатиб қўйдик. Катта ўғлим бувисига ҳамроҳ бўлиб бобосиникига ётгани кетди. Икковлашиб олдинма-кейин гап-сўзсиз хонага кирдик, мен ўзимни туголмадим. Товуш чиқармай роса йиғладим. Мавлон акага ҳеч нима демай, унинг озиб-тўзиб, соқоллари ўсиб кетган юзларига, ич-ичига чўккан кўзларига тик қаролмай йиғладим. 15 кунлик айрилиқ юки бамисоли юз ботмон тош бўлиб ётганлигини, Мавлон акам қатори мени ҳам абгор қилаёзганини, кенжа қизим муттасил “отам қаерда, соғиниб кетяпман” деб қилган ҳархашаларини, ичикканини эслаб йиғладим. Билсангиз, дунёдаги жамики бева аёллар қисматига сидқидилдан ачиниб йиғладим. Мавлон акам ярим ҳазил, ярим чин:

— Бас, жуда соғинган экансан, болаларни юборгин эди, — деганича ишга кетди.

Мен шундагина сокин хонада ёлғиз қолиб уйга толдим. “Наҳотки ҳою ҳаваснинг шарбати шунча тотли бўлса! Эркак киши ўз пушти камаридан бўлган нуридийдаларининг кулгисидан ҳам ўша шарбатни

афзал билса? Мавлон акам болалар дийдорига ташна бўлиб, ўзи қилиб қўйган гуноҳидан шу қўйга тушдими? Ёки айрилиқнинг доғиданми?

Қаранг, опа, мен ўзи қандай аёлман? Жамилага ҳам ачиняпман. Ёлғиз онасини ташлаб бўлса-да, шаҳарга кетди, ўз иффатини ҳимоя қилиб кетди, қолаверса менинг фарзандларим тирик етим бўлиб қолмаслиги учун кетди.

Опажон, иложи бўлса, хатимни газетада ёритсангиз. Токи, бир этак боласи бўла туриб, ҳою-ҳавас кўчасида тентираб юрган эркакларга сабоқ бўлсин. Балоғат ёшидаги сингилларимга эса келинликнинг оппоқ ҳарир рўмолига ҳеч қачон доғ туширманг, дегим келади».

АЯЖОН, КЎЗИНГИЗНИ ОЧИНГ...

Манзуранинг сўнги илинжи — дори-дармонга узатган қўллари шалвираб тушди. Турмуш ўртоғи Асқарнинг ичкиликдан қизарган башарасида, сўниқ кўзларида нафрат пайдо бўлди:

— Мана сенга дори, — у қўли билан оғзини кўрсатди, — берган пулинг менинг “дорим”га зўрға етди. Ҳиқ...

Манзуранинг тўшакка михланган вужудида кучли оғриқ пайдо бўлди. Кун бўйи кутган умиди пучга чиқди. Тепасида масхараомуз ишшайиб турган Асқарга у сўз айтишдан ожиз. Унинг шу тобда зорланишлари беҳуда, ўртада можаро чиқишидан, яна қанча дилхираликлар бўлишидан юрак олдириб қўйган. Жонсиз оёқларини силаб ўтирган қизчаси Гулсарага илтижоли ёлворди:

— Майли, мен дори ичмасам-ичмасман. Шунча чидаган яна бир кунга ўлмасман. Отангнинг жойига ётишига кўмаклашгин, қизим. Ташқаридан жомни келтириб қўй, бўлмаса кечагидек ҳамма ёқни... Турақол, қизалоғим, илдамроқ бўл.

Манзура унсиз йиғлади. Оғир дард боис ич-ичига чўккан кўзларидан аччиқ ёшлар думалади. Аяжонининг пинжиги текилиб ўтирган, эндигина етти баҳорни қаршилаётган Шавкатжон дам отасига, дам онасига мўлтираб кўрқа-писа деди:

— Пенса пулингиз ҳам қолмади-ку, аяжон, энди дорини нимага оламин?

Манзуранинг озиб-тўзиб кетган қўллари беҳол тепага кўтарилди. Сўнг беҳудуд тангликка кўзлари жовдираб, ўзича йўл ахтараётган ўғилчасининг бошларига базўр етди:

— Ташвиш қилма, ўғлим, сен катта бўлсанг ишлаб пул топасан, ўшанда кўп дори-дармон олиб келасан, мен албатта тузалиб кетаман.

Табиатнинг ўйини қизиқ: кимга тўй, кимга аза. Шундоққина қўшни хонадонда қиз узатилаётган эди. Сурнайнинг ёр-ёр навоси Манзуранинг аллақачон умидсизликка тушган кўнглига бир ширин армон олиб киргандек бўлди, ўзини ҳам қарнай-сурнай садолари остида узатиб келишгани ёдига тушди. Шу ҳаёллар оғушида танасидаги дардни бир зум унутгандек бўлди. Чехрасига маҳзун табассум ёйилди.

— Бор ўғлим, борақол, тўйни томоша қил, усиз ҳам кун бўйи рангимга тикилавериб эзилиб кетдинг. Борқол, ўғлим.

Болакай худди шуни кутиб турган эканми, чопқиллаб кетди.

... Тўйхонада ҳамма хурсанд. Барчанинг юзида шодон бир кайфият. Шавкатнинг эътиборини даврада қушдек енгил ўйнаётган бир аёл тортди. Ажабо, аясига ўхшар экан. Фақат аяси озиб, қоқсуяк бўлиб қолган. У ҳозир ўйнай олмайди, дадаси бир ҳафтадан буён алдайди, аясининг пенсия пулини бўлиб-бўлиб олиб, дори-дармон келтириб бермади. Етти кундан буён шу аҳвол, ичиб келади.

Шавкатнинг кўзлари бирдан даврадаги аёлнинг қўлларидаги пулга тушди. Оғир хўрсинди. Шу пулларнинг озгинаси унда бўлганида эди, ҳозироқ опачаси билан дори-дармон олиб келарди. Аяси уларни ичиб, оғриқдан қутулиб эҳтимол, оёққа туриб кетармиди. Ўйнаётган аёл сингари, аяжони ҳам даврага чиқиб, рақсга тушармиди...

Болакай ўйнаётган аёлга маъюс тикилганича анча муддат туриб қолди. Унинг мурғак тасаввурида раққоса онаси бўлиб гавдаланди. Уни онаси жилмайганича икки қўлидан тутиб, даврага олиб чиқди. Болакай даврада қўллари белларига тираганича куйга ҳамоҳанг ўйнар, онаси ҳамон уни даврандан чиқармас эди.

— Ия, бу Асқар пиённинг зиндаси-ку! Ўйнашини қаранглар!

— Ундай дема. Пиён бўлсаям эркак экан, мажруҳ хотин билан неча йилдан буён муроса қилиб келяпти. Сен унинг ўрнида бўлганинда борми, уйингни тополмаган бўлардинг. Яша ўғлим, ма олақол, бу пул сенга она сутидек ҳалол.

Шавкат безатилган стол атрофидаги меҳмонларнинг суҳбатини эшитмасди. Унинг иккала жажжи қўли пулга тўлиб кетганди. Бирдан нимадир эсига тушди-ю, у тўйхонадан отилиб чиқди.

— Ая, аяжон, энди сиз албатта тузаласиз, опам иккаламиз ҳозироқ дори олиб келамиз, Мана пул...

У аяжониси бошида баралла овоз чиқариб йиғлаётган онаси Гулсарага кўзи тушгач, анграйганича туриб қолди. Сўнг онасининг бағрига отилди.

— Аяжон, кўзингизни очинг. Мана, пул олиб келдим, — дея бола тўшак узра энгашди. Энгашди-ю, қўлидаги пул бутун тўшак бўйлаб сочилиб кетди, унинг ҳаётдаги бирдан-бир овунчоғи, суянган тоғи — аяжони Манзура мангу фароғат топган эди...

УМИДЛИ ДУНЁ

ЙИГЛАЁТГАН ҚИЗГИНА

Тунда рўпарадаги хонадан Умиданинг йиғлаётгани эшитилади. Мудроқ хаёлларим пардай тўзийди. Вужудимда лоҳаслик сезаман. Қизнинг нимжон танасидаги оғриқ гўё мени босиб келаётгандай. Аста қиз ётган хона эшигини очаман. Товуш бир зумда тинади. Оҳудек зийрак қиз ич-ичига чўккан кўзларидан оққан ёшни озгин қўллари билан шошиб сидириб ташлайди.

— Опажон, яна сизни безовта қилдимми? Ўлгур дард ҳечам пасаймаяпти. Биласиз-ку, тунда зўраяди.

— Йиғламагин-да, — ёнига омонатгина ўтириб, қўлларини силаб, юпатган бўламан. — Дард меҳмон, ҳали замон ҳаммаси унут бўлиб кетди. Ҳали мени айтди, дейсан, тўйингда ўзим ёр-ёр айтиб, узатиб бораман.

Ойнинг деразадан тушаётган ёруғ ёғдусида қизнинг кўзларида умид учкунлагандек бўлади.

— Раҳмат, опа, — дейди синиқ товушда. — Хайриятки, сиз борсиз. Икки кечадан буён дардимга шерик бўлиб овутасиз. Ўла-ўлгунимча сиздан миннатдорман.

— Ҳечам арзимаёйди. Кел, яхшиси ҳаётимизда бўлган, эсда қолган ҳодисалардан сўзлашайлик. Барибир, узоқ тунни бедор ўтказиш қийин. Бу гал сенинг навбатинг, шундайми?

УМИДАНИНГ ҲИКОЯСИ

Умида қўшни каравотда гужанак бўлиб ухлаётган, онаси опанга қараб турасан, деб ташлаб кетган 12 ёшлар чамасидаги синглисига хавотирда тикилади.

— Синглимга ҳам жуда жабр бўлди-да, опажон, мени деб бир ҳафтадан буён дарсга бормаёйди. Эрта-кеч оёқ-қўлимни силайвериб, йиғласам менга қўшилиб йиғлайвериб, мадори қолмади. Бечорагинам шундай меҳрибонки, бу ердан сизсиз кетмайман, — дейди.

— Бирор фурсат онанг келиб, сенга қараб турса бўлмайдими?

— Бунинг сираям иложи йўқ. Уйда биздан ташқари яна бешта укам бор. Уй-рўзгор ташвишларининг барчаси бечора онамнинг елкасида. Укаларим ҳали ёш. Тўнғич фарзанд мен бўлсам, ўзгалар

ёрдамига муҳтож бўлиб қолганман. Супир-сидирга ярайдиган синглим ҳам мен билан овора. Қолган укаларим ўғил болалар эмасми, ўйинқароқ, кўчадан бери келишмайди.

— Отанг уй-рўзгор ишларига қараб турса бўлади-ку? Бир ҳафтадан буён онанг кечкурунлари бир кўриниш беради. Отанг сени кўргани келмайди. Ёки бетобми?

— Отам... э опа, отам ҳақида ҳеч нарса сўраманг. — Умида титроқ товуш билан яна йиғлади. Кўзларидан оқаётган ёш қоқ суяк бўлиб қолган яноқларини юварди.

— Нега ундай дейсан, Умида? Ҳар ҳолда ота — ота-да, астойдил қайғурса, катта тажрибали дўхтирларга учраса, уларнинг мадади билан тезроқ тузалиб кетармидинг...

— Рост, опажон. Қанийди шундай қилсалар. Ҳозир ҳеч нарсани ўйламай қўйганлар. Ҳатто бола-чақани боқиш у ёқда турсин, рўзгор юмушларига ҳам қарашмайдилар. Ҳеч қаерда ишламай қўйганларига икки йилдан ошди. Отамни ҳам шўрлик онам боқади.

— Нега? Онанг билан отанг ўртасида келишмовчилик бўлганми?

— Асло. Отам илгарилари ҳаммамизга меҳрибон эдилар. Бинойидек колхозда ишлардилар. Кечкурунлари ҳаммамизни бир жойга жамлаб, қизиқ-қизиқ китоблар ўқиб берардилар. Баъзида қишлоғимиз клубидаги кинога олиб тушардилар. Онам фермада ишларди. Уйимизда ҳам мол боқардик. Ҳар куни эрталаб сопол косадаги қаймоқли сутга онам нон тўграб, бизга едирар эдилар. Ишқилиб, ҳаётимиз ҳавас қилгудек эди.

Мактабни битираётиб оғир дардга чалиндим. Дастлаб отам елиб-югуриб мени дўхтирларга, донғи чиққан табибларга кўрсатдилар. Чамаси, улар менинг дардим дарров тузаладиган эмаслигини айтишганми, отам маъюс тортиб қолдилар. Укаларим ёрдамида зўрға оёқ босиб юрганимни кўрган онам кун сайин этини еб эзиларди. Пана-панада мендан яширинча йиғлаб оладиган одат чиқарди.

Кейинчалик отам топганини кўчада созуриб, ичадиган бўлиб қолдилар. Хонадонимиздан кут-барака кўтарилди.

Онамнинг фикри-ёди мен эдим. “Уйда бир ўзинг ўтириб зерикасан. Кел, сенга тўқишни, кийим-кечак тикишни ўргатсин” деб, бир куни Карамат холани бошлаб келди. Сал кунда пайпоқ, қўлқоп тўқишни ўрганиб олдим. Ёш болалар кўйлагини бинойидек бича бошладим.

Ўтаётган кунларим сал мазмунлироқ бўлиб қолди. Негаки, ҳар куни бирорта пайпоқни тўқиб битказар эдим. Отамнинг аҳволи ўзгармагач, онам соғиб ичаётган сигиримизни бозорга етаклашга

мажбур бўлди. Чунки фермадаги ишнинг ҳам тайини қолмаган, укаларим ейман-ичаман, кийинаман, деб хархаша қилишарди. Шу тариқа, кўп ўтмай уйимиздан мол туёғи узилди. Онам тежаб-тергаб йиққан пулига тикув машинаси олиб берди. Мен эрта тонгдан кечга қадар тинмай машина юргаздим. Чарчаганимда чала қолган пайпоқларимни тўқир эдим. Мен тиккан кўйлақларга, пайпоқларга мижозлар ҳам топилди. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, бироз пул ҳам жамғардим. Онам бу пулларни мени тузатиш учун керак бўлади, деб бир сўмини ҳам рўзгорга ишлатмади.

Бир куни отам ширакайф аҳволда келиб, онамдан пул талаб қила бошлади. Онам ҳеч қачон отамнинг раъйини қайтармас эди. Аммо бу гал ростига кўчди:

– Уйда ҳеч вақо йўқ. Бўлса, ўғлингизга туфли олиб берардим. Ноиложликдан, мактабга калишда қатнаёпти, барака топгур.

– Қизимнинг пули-чи? Уни гўрига олиб кетадими? Олиб чиқ ўшани! – дедилар совуққотгандек тиришиб.

Ўшанда зўра қимирлаётган танамдан дафъатан муздек тер чиқиб кетди. “Демак, дўхтирлар қизингиз энди тузалмайди, – деб айтишган экану шундан сўнг отам шу кўйга тушиб қолибди-да”, – миямга келган шу фикрдан кўнглим зимистон бўлди. Болишим остидаги пуллардан бир сиқим олиб, отамга узатдим:

– Мана пул, дадажон. Ҳеч хафа бўлманг. Ҳали сизга роса кўп пул топиб бераман. Фақат мени деб, ғам-андуҳни ичингизга олаверманг, касал бўлиб қолсангиз, ҳолимиз не кечади? – Шундай деб ўзимни тутолмадим. Аламимни кўз ёшларимдан олдим.

Отам хийла вақт ҳушсиз қотиб турдилар. Сўнг тўшакдаги сочилиб ётган пулдан керагини олиб, индамай чиқиб кетдилар.

Онам бечора отам дарвозадан чиқиб кетгач, мени бағирларига босиб, ўксиб-ўксиб айтиб йиғладилар:

– Энди сен шўрликнинг не азобда топган пулинг ҳам ғаротга учрайдиган бўлди. Ахир шу пул билан сени даволатиш ўрнига кўча-кўйда ичиб, маст-аласт бўлиб юрса, мен куймай, ким куяди, болам!

– Кўйинг, аяжон, куяверманг. Укаларим қатта бўлишяпти-ку. Ҳали-замон ишлашса, уйимиз яна тўла-тўқис бўлиб кетади. Отамга ҳам оғир-да. Мени ўйлаб...

– Сенга нима қилибди, қизим? Худо берган дард. Ботмонлаб бериб, мисқоллаб оларкан. Мана, Яратганга шукрки, юмушга яраб, ўзингни ўзинг эплаб ўтирибсан.

Кўп вақт ўтмай, онам кундалик қозонни ҳам қайнатишга сармоя тополмай қолди. Устига-устак отам чўнтагида пули қолмаганида кўни-

қўшнилардан қарз кўтарган экан. Улар қистаб, эшик турмини буза бошлашди. Отамнинг қарзини ҳам онам тўлай бошлади.

Қаранг, опа, шунча жабр-ситамлarga қарамай, онам ниҳоятда вазмин. Матонат билан эртанги ёруғ кунларни кутади. Отам не аҳволда уйга кириб келса-да, бирор марта кўкрагидан итариб кўчага ҳайдаб чиқармайди. Шу болаларимнинг отаси-ку, бир куни инсофга келиб қолар, деб ўзини юпатишдан тинмайди. Тошдан қаттиқ турмушнинг ҳамма юки елкасида бўлса ҳам, бирор йўсинда миннат қилмайди. Укаларим қатори отамни ҳам оқ ювиб, оқ тарайди.

Бир оқшом отам кўчадан мунгайиб келдилар. Онамни йўқладилар:

— Муяс... сар, қани менга ростини айт-чи, қизи бор тенгқурларимдан қаерим кам? Нега уларникига совчилар келишади-ю, бизникига қадам босишмайди. Қани айт, нега шундай?

Отам ҳеч қачон кўзларига ёш олмаган эдилар, ўкраб-ўкраб йиғладилар. Онам бамисоли жонсиз ҳайкалга айланганди, чурқ этмасди. Бу пайтда мен ўз хонамда китоб ўқиш билан машғул эдим. Қандай аҳволда ўримдан туриб, йўлакка чиқиб борганимни билмайман. Ҳеч кимнинг кўмагисиз тик турганимни кўрган онам: “Умида, наҳотки ўзинг юриб чиқдинг, эҳтиёт бўлгин-да, болзгинам“, деб мен томон югурди. Укаларим онамга эргашиб келишди.

Улар етиб келишдимми-йўқми, билмадим, лекин тик ҳолдаги қўғирчоқ қандай йиқилса, мен ҳам шундай йиқилдим. Негадир ҳеч қаерим оғримасди. Ўша онда ҳушимдан кетган эканман.

— Мана, опажон, ўшандан буён шифохона иккинчи уйимга айланган. Орада 5-10 кун уйимизда бўламан. Бу ердаги дўхтирлар албатта тузаласан, машҳур чевар бўласан, — дейишади. — Қаранг, қандай яхши одамлар бор-а.

— Албатта-да, — деб маъқуллайман Умиданинг кўзларига меҳр билан боқиб. — Бағри кенг, саховатли, меҳр-шафқатли кишилар кўплиги учун бу дунё боқий. Ҳали шундай чевар бўласанки, укаларинг ҳам, синглинг ҳам, ёлғиз меҳрибонинг онаизорингни дунёдаги энг чиройли, заррин либосларга буркайсан. Шу моҳир кўлларинг билан тиккан атлас кўйлақлар онангни юз чандон ёшартириб юборади.

— Ҳа, опажон, мен албатта тузаламан. Онамнинг бизни деб чеккан, чекаётган аччиқ изтироблари учун ҳам тузаламан. Отамнинг армони учун ҳам тузаламан. Уйимизга ҳали совчилар келишади.

Умида болишининг остидаги қийиқчага тугилган тутунчани эҳтиёткорлик билан очаётиб, энтикади. Турли рангдаги иплардан

тўқилган болалар кийимлари, пайпоқлари, ҳафсала ва дид билан тикилган зар дўппилар...

– Онам менга ҳамиша умид билан яшагин, қизим, – дейди. – Шулар менинг умидларим.

– Буларни кимга атаб тайёрлагансан? – қизиқсиниб сўрайман.

– Ҳозирча сир...

Умида иболи жилмайиб кўяди.

* * *

Шифохонада Умида билан яна кўп бор ҳамсуҳбат бўлдим. Ҳикояга эса шу ерда нуқта қўймоқчи эдим. Лекин... бир гапни айтмасам бўлмас.

Бу тириклик дунёси гўёки аёл сабр-бардошига, чексиз, чегарасиз матонати-ю, умидларига ҳамоҳанг қурилганмикан, деб ўйлаб қоламан. Бирор марта ҳамсуҳбат бўлмаган Умиданинг онаси Муяссар опанинг бардошига тасаннолар айтаман. Ҳали қирққа кирмаёқ оиланинг залворли юкини елкасида кўтара олган, саёқ эрнинг барча қилиқларини олисни ўйлаб ичига ютган, боз устига оғир бетоб қизига дардкаш бўлиб, унда ёруғ, саодатли кунларга сидқидилдан ишонч, умидворлик туйғуларини уйғота олган бу онага икки кўлим кўксимда ғойибона таъзим қиламан...

ҲИЖОЛАТ

Садоқат тонг отгунча мижжа қоқмади. Турмуш ўртоғининг “Ухласанг-чи, ҳориб-чарчагансан-ку, нима, жонинг темирданми? – деган дашномига кулибгина кўя қолди.

Тўғри, чарчаган, келин туширишнинг ўзи бўладими. Бировнинг азиз фарзандини остонангиздан ичкарига олиб киргунча озмунча елиб-югурасизми. Мана, ҳаммаси ортда қолди. Тўй ширинлик билан ўтди.

Садоқат бир энтикиб кўйди. Секингина туриб, муздек сувга ювингач, ҳовлига разм солди. У бу ишларни бошлай деса, бошқаларни уйғотиб юборишдан чўчиди. Астагина молхонага ўтиб, сигирни соғди. Сутни сузиб қозонга солди, чой кўйди, ҳовлига сув сепиб бўлган ҳам эдики, янги келин уйдан чиқди. Келин ўзига ҳеч қандай юмуш қолмаганлигидан ҳижолат бўлиб, қайтиб кириб кетди.

– Чаққон бўлмай қол, келинни! ҳижолатга кўйдинг-ку, бор, нонуштага чақир, – Омон ака дашном берди.

— Қизиқсиз-а, дадаси, мен ҳали ёш бўлсам, келин келди, деб ётаверайми? Ахир бировнинг азиз боласи, оиламизнинг пасти-баландини билиб олгунча мен қила турай.

Эшик очилиб, остонада аввал ўғли, кейинроқ оқ рўмол ёпинган келин кўринди.

— Ассалому алайкум, адажон.

Келин аввал қайнотасига, сўнг қайнонасига уч бора эгилиб салом қилди. Бир зумнинг ўзида қилинган ҳаракату харажат, югур-югур, машмашалардан чекилган азият унутилгандек бўлди. Эру хотиннинг вужудларида бокира бир туйғу жунбушга келгандек бўлди.

— Баракалла қизим, кўп яшанг, минг раҳмат, қани ўтиринглар, чой ичиб олинглар.

Хонтахта устидаги тўкин дастурхон, косаларга қўйилган сут ва ширинлик, пишириқларни кўриб ёш келин шошиб қолди. “Шарманда бўлдим, биринчи кунданок ҳеч нарсани удалай олмадим” — деб кўнглидан ўтказди у.

— Гавҳарой, қизим, уялманг, энди ўз уйингиздасиз, ҳеч тортинманг, мана шу уй-жойлар ҳаммаси сизники, хоҳлаганча еб-ичиб, толиқмай юринг. Биз сизга ҳеч ёмонликни раво кўрмаймиз.

Янги келиннинг кўзига ҳаммаёқ чиройли кўриниб кетди, ўзини кушдек енгил сезиб, ширин энтиқди.

Бир неча кундан кейин тоғорада ош кўтариб қисинибгина остонадан келиннинг онаси кириб келди.

— Гавҳар, қизим, — секингина чақирди она.

— Вой аям, ойижон қаранг, аям келдилар.

Гавҳарнинг кушдек учиб ял-ял ёниб юриши, бахтидан сармастлиги онанинг кўнглидаги туман ва шубҳаларни тарқатиб юборди. “Хайрият, киришиб кетибди. Жуда эрка эди. Ишқилиб, бу ердагиларнинг дилини оғритиб қўймаган бўлсин-да”.

— Қани қизим, аянгизни ичкарига олиб кириг, овқатимиз тайёр бўлиб турибди.

Ҳангу манг она қизининг уйига кирди. Хоналардаги саранжом-саришталикни кўриб лол қолди. Қайнонаси киргунча Гавҳар онасига мақтай-мақтай ҳамма гапларни айтиб улгурди. Остонада шўрва сузилган коса кўтарган Садоқат кўринди.

— Қани қудажон, Гавҳарой иккаламиз бир овқат қилувдик, ичиб баҳосини қўясиз-да.

— Энди айбга буюрмайсиз-да, ёлғизгинам деб оғир юмушга ҳеч солмаганман. Сизни қийнаб қўйган бўлса, мени кечиринг-да, қудажон.

— Болам бор экан, фарзандингиз хонадонимга кириб келди. Бундан ортиқ бахт борми менга. Қўшгани билан қўша қаришса бўлгани. Билмаганини ўргатаман, ёш эмасми, ўрганиб кетади.

Онаизор хурсандлигидан тезроқ кетгиси, қизи ҳақидаги хабарни отасига етказгиси келарди.

— Қудажон, мен борақолай, дадаси хавотир олиб ўтиргандирлар.

— Майли, қудамга салом айтинг. Гавҳаройдан хавотир олманглар. Ахир энди у бизнинг қизимиз. Тез-тез келиб туринглар, эшигимиз доимо очик.

Келинчак онасини кузатиб қўйди. Она кўзларига ишонмай, қизи тушган хонадон дарвозасига қараб-қараб, илдам юриб кетди...

ПУШАЙМОН

Замира аҳил бир хонадонга кенжа келин бўлиб тушди. Бу оилада ҳамма тўй-маъракалар бўлиб ўтган, ортиқча харажатларга энди ҳожат қолмаган эди. Қайнота-қайнона шинамгина уйда туришар, ҳовли-жойда ҳамма шароит муҳайё эди.


Орадан кўп вақт ўтмади. Кенжа келин зерика бошлади. Тўй-томошаларга тез-тез боргиси келар, ўзи хоҳлаган таомни тайёрлай олмас, уйқута бошқоронғи бўлганлиги учун тўйиб ухлай олмасди. Чунки оилаларидан келди-кетди узилмасди. Тинмай овқат пишириш, меҳмон кутиш кўнглига ура бошлади. Ўзи билан баробар тўй бўлиб, алоҳида яшаётган дугоналарига ҳаваси келиб, бўлак чиқиш орзуси ҳаёлидан нари кетмай қолди. Замиранинг бу фикрини ота-онаси ёқламади. Аксинча, “Кексаларнинг дуосини олгин. Булар ҳам ғанимат, болам”, — деб дакки беришди.

Замира ўз фикрини эрига уқтира бошлади.

— Бошқа бўлсак, хоҳлаганимизни қилоламиз, биргалашиб кинога борамиз. Сиз бемалол чойхонада юрасиз, ўртоқларингизни ҳам тортинмай олиб келаверасиз...

Эркинжон иккиланиб қолди. Ота-онасини деса, хотини ҳам ҳақдек кўринарди. Ўғлининг ҳардамхаёл бўлиб, ранги синикиб бораётганлигини кўрган ота бу ҳолни сизди. Маҳаллада донолиги туфайли обрў орттирган, кўпни кўрган ота масаланинг моҳиятига тушунгач, кўп гапириб ўтирмади. Кичикроқ ҳовли олиб бериб, Эркинжоннинг рўзгорини бўлак қилди.

Қизининг енгил-елпи ҳаёт кечиришни хоҳлаганлиги сабабли қудалар олдида юзи шувит бўлган ота-она ҳам ортиқча мулозамат кўрсатмади.



– Қани, билганича яшаб кўрсин-чи. Ҳузур жойни билмаган ношукур, – дея қўл силташди.

Дастлабки кунлар, ойлар Замира ўйлагандек ўтди. У хоҳлаган вақтигача ухлар, истаган таомини пиширарди.

– Ҳомиладор аёл кўпроқ юриши, ҳаракат қилиши керак, болам, – дерди қайнонаси.

Замира тушликка ҳам, кечкиликка ҳам қовурма овқатлар қилар, зерикканда ухлар, турли зиёфатларга эмин-эркин борарди.

Сал ўтмай, янги рўзгорнинг озиқ-овқат захираси таги кўриниб қолди. Аксига олиб, Эркинжон ишлайдиган кичик корхона тугатилиб, эр ишсиз бўлди.

Ёшлар ота-оналаридан ёрдам сўрашни ор, деб билишди. Сўрамай дейишса, буёғи ишқал. Боши берк кўчага кириб қолишганини энди англашди. Чунки фақат ўзларини ўйлаб, ён-атрофдаги қўни-қўшнилар билан ҳам тузукроқ муомала қилишмаган экан. Уйларига биров кирмайди, бировдан бир нарса сўрашолмайди.

Замира эса яқинда она бўлиши керак. Қувватлироқ таомлар истеъмол қилиши лозимлигини билади, аммо миқ этолмайди. Қайнона-қайнотасиникида тушликда гўштли таом, ёғли паловлар бўларди. Энди ўша тўкинчилик Замиранинг фақат тушларига киради.

“Қанийди, қайтиб боришнинг иложи бўлса, жон деб кўнардим, – дея афсус билан ўйлайди Замира. – Юзим чидамайди, қилғиликни ўзим қилдим, тайёр уй-жой, ош-ноннинг қадрига етмаган эканман. У ерда дастурхон доим ёзиғлик, ноз-неъматларга тўла бўлар эди. Кун бўйи овқат пишириб, келган-кетганни кутардим, шу хизмат ҳам менга малол келган эди.

Тирикчилик тошдан қаттиқ деб бекорга айтишмаган экан. Мана, бўлак ўтирибмиз. Хоҳлаганимни қилиб, бир жойдан шохим чиқмади, фақат ношудлигим сезилиб қолди. Қўлимдан ҳеч нарса келмас экан-у, катта кетган эканман. Боши гангиб қолган эрим бўлса, аллақандай ўртоқлари билан бирга юриб, уйга жуда кеч қайтадиган одат чиқарди. Ичишни ўрганди. Баъзан тонг отгунча ёлғиз ўтириб чиқаман. Эҳ, бу ҳали ҳаммаси эмасга ўхшайди...”

Яқинда эшитдим, Замира касалхонага тушибди. Фарзанди ёруғ дунёга келмай нобуд бўлибди. Бинойдек турмушга ношукурлик қилганнинг жазоси бу, албатта.

Унинг пушаймон ва афсусларини тинглаб, ўйлаб қоламан. Қизларжон, ахир катталар сизга ёмонликни раво кўрармиди? Нима топсак, боламга бўлсин, дейишади. Ота-онанинг, қайнота ва қайнонанинг панду насиҳатини тинглаб, уларнинг ҳурматини жойига қўйинг. Замирага ўхшаб шошқалоқлик қилиб, ҳаётнинг зарбасига учраб қолманг.

СОҒИНЧ ТҶЛА КҶЗЛАР

Кечки пайт. Ишдан қайтувчиларнинг ҳам оёғи узилиб қолди. Кичкина, боши берк кўчада ўйнаётган болаларнинг қий-чуви ҳали тинмаган. Улар гўё кўчага сиғмай югуришади.

— Достон, Даврон қани тез келинлар-чи, овқат пишди, — деб чақиради болаларини дуркун аёл.

— Нодира, Азимжон! — бошқа эшикдан келинчакнинг боши кўринади, — ширинларим, асалларим, келақолинглар, телевизорда «Кўзмунчоқ» кўрсатуви бошланди. Манти ейсизлар, совимасин.

Кўчада болалар сийраклашиб қолди. Баъзилари ўйинчоқларини йиғиштириб, укаларини етаклаб уйга югуришди.

Санжар ва Зилола ёлғиз қолганларини сезишгач, уйлари томон қараб кўйишди. Гарчи уларни ҳеч ким чақирмаслигини билишса-да, умидвор тикилишди.

Санжар билан Зилоланинг дадаси аяси билан ажралишган. Улар дадаси билан қолишни маъқул кўришди. Зилолани аяси олиб кетган эди, дадаси билан акасини соғиниб, қайтиб келди. Ҳозир дадаси хизмат юзасидан сафарга кетган. Болалар бувиси билан қолишган.

Раъно буви эса кейинги кунларда бошини болишдан узолмайди, бетоб. Фарзанд доғи адо қилди она шўрликни. Ёлғизгина фарзандини не-не умидлар билан ўстириб катта қилганди. Келин қилсам роҳат кўраман, хизматимда бўлади, деб ўйлаганди. Афсус, орзулари ушалмади, келин олгач, ўзи унга хизматкор бўлди. Танноз келин ош пишириш у ёқда турсин, чой дамлашга ҳам ярамади.

— Ақли кириб, бир кун коримга яраб қолар, фарзандли бўлса қуйилар, — деб умид қилди она бечора.

Фарзанд туғилди. Келиннинг беандиша қилиқлари ортса ортди, камаймади. Она шўрлик ёлғизим ўзидан кўпайди, деб ёмонини яширди.

Кўп вақт ўтмай, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар жиддий тус ола бошлади. Эрнинг тунги навбатчиликда ишлаши жанжалнинг сабабчиси эди. Кўпинча можаролар «уркалтак» билан тугар, келин аразлаб кетиб қолар, қайнона эса эмизикли чақалоқни овутолмай, ҳалак эди.

Иккинчи фарзанд туғилди. Аммо у ҳам хонадонга аҳиллик, тотувлик келтирмади. Аксинча, келин қадди-қомати бузилиб қолаётганидан, эрининг уйда кам бўлишидан нолирди. Эрининг бўлса, хотининг рўзғор ишларига уқувсизлигидан, боласига эътиборсизлигидан фиғони чиқарди.

Жовдираб турган норасида гўдакларга тикилиб онаизор йиғлай-йиғлай қадди дол бўлди. Бир тугам сочлари оппоқ тусга кирди. Санжар билан Зилола бувижонининг бағридагина ором топишарди.

Муттасил оилавий можаролар болалар кўз ўнгида бўлди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, болалар ўз оналарини ёмон кўриб қолишди.

Икки нафар мунчоқдек фарзанди бўла туриб, бир-бирларига меҳр қўя олмаган эр-хотин охир-оқибат ажралишди. Ўртада энди болалар сарсон. Онаси билан кетишса, кўп ўтмай дадаларию бувижонларини соғиниб қолишади. Бувижони олдида эса аясини соғиниб, кўзлари нигорон бўлади.

Болакайлар энди бетоб бўлиб қолган бувижонларига овунчоқ бўлиб қолишган. Ёшгина, она сути оғзидан кетмаган болалар отаси билан онаси қилмаган оқибатни, меҳрибончиликни бувижонларига қилишяпти. Санжар бувижонининг оёқларини уқалайди, Зилола бир оз қийналиб бўлса-да, чой дамлаб беради. Санжар билан Зилоланинг ўз уйлари томон қараб қўйишганининг боиси ҳам шунда. Назарларида, аяси қайтиб келиб уларни овқатга чақирадигандай. Аммо уларни ҳеч ким чорламади. Кўчада ёлғиз қолган болалар соғинч тўла кўзларини жавдиратганча, мунғайиб уйлари томон юришди...

БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ОСТОНАСИДА

Маҳзуна опа анча йиллардан буён шифокор. У касбини жуда қадрлайди. Шунинг учун ҳам тўнғич ўгли Бахтиёрга ўзига касбдош бўлган қизлардан келин танлади. Чиройли қилиб тўй ўтказди. Аввалига ёшларнинг ҳаёти жуда яхши кечди. Келини Латифа ҳам жуда хушмуомала, одобли, чаққон чиқди. Қайнона ундан хурсанд, кўни-кўшни, ёр-биродарларга оғзидан бол томиб мақтайди.

Латифанинг ой-куни яқинлашиб, ўғиллик бўлди. Оилада бамисоли тўй бўлиб кетди. Чақалоқ хонадонга хурсандчилик олиб келди.

Бироқ Латифанинг қўли энди бола билан анча боғланиб қолди. Шу боис, уй юмушларини кўнгилдагидек бажара олмасди. Бундан у жуда ҳижолат чекар, ўғилчасини ташлаб қўйиб бўлса ҳам уй ишларини тезроқ бажаришга ҳаракат қиларди.

Афсуски, Маҳзуна опа ўзгарди-қолди. Келиннинг ишларидан нолир, бошқа қўшни келинларни мақтар, келин танлашда янглишганини тез-тез тилга оладиган бўлиб қолди.

Уйда хотиржамлик йўқолиб, аста-секин жанжал чиқа бошлади. Латифа ёғилаётган маломатлардан гаранг, аламини фақат йиғидан оларди, тез-тез боши оғрирди. Оила бошлиғи Ҳайдарали ака хотинига лом-мим деёлмас, ҳеч нарсага аралашмас, ҳатто келини:

— Адажон, сиз аямларга бирор нима денг, — дея илтижо қилса:

— Менинг ишим йўқ, ўзларинг келишиб олинглар, — деб кўрс жавоб берарди. Қайнотасининг шу даражада бепарволиги, уйда ота сифатида ўрни йўқлиги, ўғлининг турмушига бефарқлиги Латифани жуда ташвишга солади, нима қиларини билмайди. Бахтиёр эса:

— Турмуш шунақа, чидасанг шу, чидамасанг... ўзинг биласан, — дея хотинини баттар эзарди.

Маҳзуна опа олий маълумотли, ўқимишли аёл бўлишига қарамай:

— Сенинг зотинг паст, ўғлимга ҳали мана-ман деган онаси ўпмаган қизни олиб бераман, — дейишини канда қилмайди.

Латифа ўринсиз дашномлардан эзилиб, адои-тамом бўлди. Бир куни боласини эмлатиб келса, дарвоза ичкаридан қулф, ташқари эса совуқ, қор ёғарди.

Қўлида бир ёшли ўғилчаси билан ялинди-ёлворди, лекин уй эгалари эшикни очмадилар. Она-болани изғиринда, эшик ортида қолдирдилар. Латифа йиғлай-йиғлай, боласини кўтариб, онасиникига йўл олди. Уйда отаси ҳам, онаси ҳам ҳайрон. Чунки қизлари шу чоққача уйдагилари тўғрисида ёмон гап айтмаган эди. Шундай бўлишига қарамай, тушунган ота-она кечқурун қизларини уйига олиб боришди. Тўнини тескари кийиб олган Маҳзуна опа қудалар билан ҳатто саломлашмади ҳам. Улар ҳайрон, киришни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмайдилар... Хонадон бошлиғи Ҳайдарали ака билан бўлган воқеа хусусида гаплашишди. У жўяли гап айта олмади, тўғрироғи, бир нарса дейишга хотинидан ҳайиқди.

Маҳзуна опа эса:

— Қизларингни олиб кетинглар. Ўғлим жавобини бермаса, мана, мен бердим, — дея ўзини тутолмай, бақир-чақир қила бошлади.

Қудалар ҳар қанча босиқлик билан муомала қилишмасин, Маҳзуна опага кор қилмади.

...Латифанинг уйига кетганига ҳам олти ой бўлди. Бу орада Бахтиёр уларникига тез-тез бориб туради, ўғлидан, хотинидан хабар олади. Олиб кетишга эса онасидан ҳайиқади. Бечора куёв жуда қийналиб кетди, ўғлини ҳар куни кўргиси, лўппи юзларидан ўпиб эркалагиси келади, аммо оиласи мустақиллиги учун дадил ҳаракат қилолмайди.

Дўстлари, яқин ўртоқларининг фарзандларини етаклаб кетаётганини кўрганида ич-ичидан эзилади. Юрагининг аллақасерида пайдо бўлган дард тилига кўчади:

– Наҳот ўз онам бахтли бўлишимни, фарзандимни бағримда ўстиришимни истамаса... Онамни десам — оиламдан, оиламни десам — онамдан кечишим керакми? Менга онам ҳам, кўлида гулдай ҳунари бор турмуш ўртоғим ҳам, ҳали бу ёруғ жаҳонга бегубор боқувчи гуноҳсиз бегубор ўғилчам ҳам азиз ва мўътабар. Хўш, мен қайси йўлни танлай?..

– Сиз нима дейсиз, азизим?

ТОШ ҚОТГАН ДИЙДАЛАР

Унсин холанинг эрталаб мазаси қочди. Боши айланиб, кўз олди қоронғилашди. “Энди олма билан ўрик бўлармидим, буёғи қаричилик, ўзинг шарманда қилма худойим, сувдай келсину, селдай олсин, узоқ ётгулик қилмасин...”

Лекин хаёлига келган бу ўйдан сесканди. Айвонга жой қилаётганида юраги бир санчди, лекин парво килмади. Тушликка беҳи солиб, ош дамлади. Чоли келиб ўтиргунча иштаҳани қитиқловчи қип-қизил ош дастурхонда пайдо бўлди.

Шу орада овқат кўтариб, кенжа келини келди:

– Вой ойижон, тобингиз йўқ эди, нимага овқатга уннадингиз ёки мен пиширган таом ёқмаяптими? — дея гина қилди у.

– Барака топинг, қизим, сизнинг таомингиз ҳам қолиб кетмас, қани ўтиринг. Ўзим отангизга бир ош дамлай девдим-да, бошқа уринмайман, — хола чап кўкраги остини яна силаб кўйди.

– Кампир, тушдан кейин Карим дўхтирни олиб келайми? — деб хавотирланиб сўради ота.

– Йўқ, овора бўлманг, тузалиб қоларман, негадир оёқ-қўлимда дармон йўқ.

Отанинг кўнгли ғаш бўлиб, номозга бориш учун йўлга отланди.

Жониқул ота билан Унсин холани қишлоқда танимайдиган одам йўқ. Ўғил-қизларини уйли-жойли қилишган, ҳаммаси тиниб-тинчиган. Аммо ўртанча ўғил бевақт бандаликни бажо келтиргач, ота-она эзилди. Фарзанд доғи олмос тигидан ўтқир экан. Чол-кампир дарровда чўкиб, мунгайиб қолишди. Шундан бери Унсин холанинг мазаси йўқ. Ўқтин-ўқтин юрагини ушлайди. “Онасининг гўрига тушган болам” деб, чолига кўринмай йиғлаб кўнглини бўшатади.

Жоникул ота жума номозидан қайтганида хола кўрпага ўраниб, иситмалаб ётарди. Отани ваҳима босди, бўлмагур хаёллар чулғаб олди.

Чол тўнғич ўғлига хабар юборди. Унсин холани вилоят касалхонасига келтиришганида кун кечлаган эди.

Беморларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган шифокор холани наридан-бери кўриқдан ўтказди. Сўнг беписанд деди:

— Юрак чатоқ-ку, бобой, ётқазиш шарт эмас, қари нарса эканлар, қийнаб нима қиламиз?

— Ўғлим, унақа деманг, шунча йўлдан умид билан олиб келдик. Кампирим ҳали яшаши керак, худс хайрингизни берсин, савоб бўлади болам.

— Ҳа, биз ҳам фақат савоб деб юрибмиз-да. Хўш, қишлоқдан келдик денг? — лабида сигарет, қулоғида телефон, сўради шифокор:

— Ҳа, болам.

— Отахон, бу йил картошка яхши бўлдими?

— Ҳа, ўғлим, яхши бўлди, нима эди? — тушунмади ота.

— Шу десангиз, бир қоп картошка керак. Келинингиз мантини кўп хушлайди. Кампирингиздан эса хавотир олманг. Отдек қилиб юборамиз.

Жоникул ота суюниб кетди.

— Шуни тезроқ айтмайсанми, картошка анқонинг уруғи эмас, ўғлим. Сен холангга яхши қара, мен кетдим, шу тундаёқ картошка олиб келаман.

— Ана оқ машина, — деди врач дераза ортига ишора қиларкан кўзлари ўйнаб, — Орқаси очиқ, ташлаб кетаверасизлар.

Жоникул ота ўғлию невараси билан қоронғи кечада томорқадан картошка ковлашди.

— Ота, сиз уйга киринг, биз терамиз.

— Йўқ, йўқ, менга ҳеч нарса қилмайди. Катта-катталаридан солинглар, дўхтир хафа бўлмасин, онангга яхши қарасин дейман-да!

Ярим тунда ўғил бир қоп картошкани олиб, шифохона деразаси олдида турган оқ “Жигули» ортига ташлаб қайтди. Тонг отар-отмас келин пиширган қайнатмани кўтарганча ота кампирининг ҳузурига ошиқди.

Унсин хола тунда иссиғи кўтарилиб, марҳум ўғлининг исмини айтиб йўқлади, сўнг чолини чақирди. Аранг рози бўлинглар, дея олди. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Хона эшигини эрта тонгда ота очди.

— Қалай онаси, тузукмисан энди...

Бир бурдагина бўлиб қолган хола аллақачон бу дунёдан кўз юмган эди.

Кампирининг муздек пешонасини ушлаб, ота ҳушини йўқотаёзди. Ёғоч оёғини гичирлатиб, врач хонасига шошилди. Хона кимсасиз эди. Дераза ортида оқ машина кўринмасди...

КУНДОШЛАР

Яқинда бир тўй баҳона, кўшни маҳаллалик табаррук онахон Анор момо билан суҳбатлашдим.

– Моможон, келин бўлмиш қиз кимингиз бўлади? Набирангизми ёки қариндошингизми?

Анор момо мийиғида кулиб қўйди, сўнг:

– Униси ҳам буниси ҳам, – деди.

– Тушунмадим, моможон?

– Эҳ, болажоним, мен бу ерга кундошимнинг неварасини узатиб келдим. Афсус, кундошим раҳматлик бу кунларни кўролмай кетди. Жуда яхши аёл эди, худо раҳмат қилгур. Арвоҳларнинг ҳурматини қилиб, ўзим бош бўлиб юрибман-да. Кундошимнинг ёлғизгина ўғли Ғайратжон менинг ҳам жону таним. Қизини куёвга узатадиган бўлиб қолгандан кейин мен билан маслаҳатлашиб иш қилди барака топгур. Жуда ақлли, баъмани йигит. Менинг барча ишларим усиз битмайди, ўғил-қизларим ҳам ҳамма ишларини акасининг маслаҳатисиз, иштирокисиз қилишмайди.

Мен Анор момонинг беғараз, самимий сўзларидан ҳайрон эканлигимни момо тезда англади:

– Ҳа, ажабланма, қизим. Бизни ота-оналаримиз шундай тарбиялашган. Ҳар бир инсон тақдирида борини кўрар экан. Уни ўзгартириб бўлмас экан. Мушкулотни ечиш учун сабр-тоқат, бардош керак. Имон-эътиқодли кишигина бахт-саодатга эришади. Фарзандларимга доимо шу сўзларни такрорлайман.

Ўзинг ўйла, қизим, ҳозирги айрим ёшлар эрининг топиш-тутишига қаноат қилмайди, болаларни қийнаб, уларнинг уйқуга тўймаган кўзларини зўрлаб очдириб, боқчага етаклайди. Ёш ўғлини, балоғатга етиб қолган қизини назоратсиз қолдириб, ишга чопади. Рўзгорни ғор дейишгани бежиз эмас. Уни ўн киши ишлаб ҳам тўлдириб бўлмайди.

Ўша пайтда эримиз биз – кундошларга ҳамма нарсани муҳайё қилган дейсанми. Раҳматлик, иложи борича бизни ҳурмат қилиб,

болаларимизга меҳр-мурувват кўрсатишга интиларди. Биз аёллар бўлсак, оталари тўғрисида болаларига ҳеч қачон нолойиқ сўз айтмаганмиз. Шунинг учун ҳам қишлоқдагилар биз кундошларга, қолаверса фарзандларимиз ўртасидаги аҳилликка, самимий муносабатга ҳурмат билан қарашади. Кундошимнинг шодлиги — менинг шодлигим, қайғуси — менинг қайғум бўлган. Яхши-ёмон кунларда доимо биргаликда бамаслаҳат иш тутганмиз.

Мен Анор момонинг ҳеч қайси китобларда ёзилмаган бу сўзларини тинглаб ўйлаб қолдим.

Кўнгли тусаяган нарсасини олиб бермаганлигини, кино ёки концертга олиб бормаганини баҳона қилиб, жанжал чиқариб ёки битта қизга рашк қилиб, оиласидан ажралиб, болаларини ота меҳрига зор қилиб қўйган ёш беваларни ўйлайман. Ёки рўзғордаги етишмовчиликни пеш қилиб, шу ҳам ҳаётми, дея турмушга энгил-елпи қараб, оилани барбод қилаётганлар кўз олдимдан ўтади. Отананинг энгилтаклиги оқибатида жабр кўриб, бувилари қўлида дастурхонга ийманибгина қўл узатиб, оналари ёки оталарини кўзлари нигорон бўлиб кутаётган гўдакларга бот-бот ачинаман.

“Ёлғиз она” тамғасини пешонасига илиб, давлатдан уй талаб қилиб олиб, ҳар куни боласини бир бурчакка қамаган ҳолда “меҳмонлар” кутаётган ёш аёлларнинг тақдири нима билан тугашини айтишга ақл ожизлик қилади. Шошма-шошарлик, бетоқатлик эвазига оила бекаси деган энг қимматли шараф тожимизни йўқотиб бораётганлигимиз даҳшатга солади. Сабр-бардошнинг, қаноатнинг сўнгги бекати — муқаррар бахт-саодат эканлигини оддий қишлоқ аёли Анор момо тимсолида кўраётгандек, кўзларим равшан тортади...

МАҒРУРЛАНИШ ОҚИБАТИ

Турмушда нималар бўлмайди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тоттиш, унинг гоҳида марҳаматига, гоҳида аччиқ зарбасига дош бериш зарур.

Куйидаги воқеалар шахримизда яшовчи бообрў хонадонларнинг бирида содир бўлди.

Киройи орзу ҳавасда барпо этилган икки оиланинг пароканда бўлиши билан боғлиқ тафсилотларни баҳолаш сизга ҳавола.

Иброҳим Тўраев ёлғизгина қизи Муҳайёни камтар, камсуқум Раҳимжон исмли ҳайдовчи йигитга узатди. Қуда томон қўли қисқароқ эди. Ҳозирги пайтда куруқ ойлик билан яшаб бўлмайди, деган фикрда қизининг оиласига қўл қоқишиб турадиган бўлишди. Дастлаб куёвни

даромадли ишга жойлаштирди. Қизи уйга келганида ҳар хил тансиқ таомлардан уйига бериб юборишди. Аслида ота-онанинг нияти холис эди. Чунки бадастир оиладан чиқарган қизлари ўзга хонадонда униб-ўсиб яшаб кетиши учун баъзида моддий ёрдам зарар қилмайди, деб ўйлашар эди.

Ёш келин Муҳайё ота-онасининг меҳрибонлигини айрича тушунди. Унинг назарида тушган хонадонни отаси бутунлай таъминлаб тургандай туйилди. Аста-секин кўнглига келган ишни ҳайиқмай қиладиган одат чиқарди. Эрталаб ҳаммадан кеч турар, қайнона-қайнотасига тик қараб гап қайтарар, боласини кўтариб кунда-кунора онасиникига кетар, “Болам бугун борманг, қайнсингилларингиз келишади”, — деган қайнонасига:

— Уйда ҳамма нарса тайёр-ку, еб-ичиб ўтираверинглар-да, — деб миннат қиладиган бўлди.

Ота-онанинг беғараз ёрдами қизларининг тилини бир қарич қилиб ўстирди, уни тубанлик сари итарди.

Энг ёмони, қайнотасидан андиша қилиб йўқ дея олмаган, ўзи эса одатланмаган юмушни қиламан, деб юрган куёв тергов ходимлари қўлига тушиб, иши судга оширилди. Холвани кимлар еди, калтак куёв гарданига тушди. Бир баҳона билан қамалди. Муҳайё боласини олиб, онасиникига кетди. Яхши ниятлар билан қурилган оила шу аснода пароканда бўлди.

Хўш, бунга ким айбдор?

Қизига бекам-кўст ёрдам қилган ота-онами, ёки бу ёрдамдан мағрурланиб, ҳаммани менсимаган, оёғининг учида кўрсатган қизми?

Муҳайё пешонасига битилган хонадоннинг бор-йўғига кўниб, тош бўлса кемириб, сув бўлса симириб, ўз ота-онасининг ёрдамига таянмай мустақил яшаганида бунингдай кўнгилсизликлар содир бўлмасми...

МЕЪЁР

Чаросларнинг хонадонидан совчи аримай қолди. Чунки ҳамма ҳам қўл-оёғи чаққон, кўҳликкина қизни келин қилсам дейди-да. Чарос ана шунақа қизлардан эди. Тим қора сочлари тақимини ўпарди.

Ниҳоят, катта бир хонадондан келган совчиларга розилик беришди. Икки ёш узукка кўз қўйгандек бир-бирларига муносиб. Уларга

ҳамманинг ҳаваси келарди. Қайнонаси ёмон кўзлардан асрасин деб, ўғли билан келинига туморлар тақиб қўяр, исириқ тутатарди.

Йиллар ўтиб, ёшлар икки фарзандли бўлишди. Бу дунёда улардан бахтли инсон йўқдай эди. Аммо фалокат оёқ остида деганлари рост экан. Кутилмаганда Алишер машинасида фалокатга учраб, оламдан ўтди. Қуёш чарақлаб турган ёруғ оламни зулмат босгандай бўлди. Чарос бошига тушган кулфатдан эсанкираб қолди. Фарзандларини бағрига босганича мунғайди. Қайнона-қайнотанинг ўз дардлари ўзларига етиб ортди.

Чароснинг ота-онаси қизларининг аҳволига бепарқ қараб туришмади. Уни тез-тез уйларига чорлай бошлашди. Ҳар келганда тансиқ таомлар пишириб едиришар, камёб кийим-бошлар олиб беришарди. Аввалида самимий бўлиб туюлган меҳрибончиликлар меъеридан ошиб кетди. Чарос ўзига кўрсатилаётган меҳр-оқибатни умрбоқий деб ўйлади.

— Эзилаверма, қисилаверма, эринг ўлган бўлса, ота-онанг ҳаёт, ака-укаларинг сени ёлғизлатиб, хўрлатиб қўйишмайди, — дейишарди уйдагилари. Шу боис, Чарос ўзгарди. Овсинларию қайнилари менсимай қўйди. Сўроқсиз истаган вақтида отасиникига борадиган одат чиқарди. Уни тергаганлар балога қоларди:

— Хоҳлаган ишимни қиламан, хўжайинлик қилманглар, — дейишга ҳам журъат этди.

Аҳвол шу даражага бордики, қайнона-қайнотанинг сабр косаси тўлиб-тошди.

— Бизнинг ғамимиз сенинг ғаминг эмас экан-да, бизни тинч қўй, — дейишди.

Чаросга шу гап керак эди. Фарзандларини етаклаб, ота уйига равона бўлди. Болалари кетишни ишташмасди. Гўдаклар йиғлай-йиғлай зўрға онасига эргашдилар.

Чарос ёшлиқ қилганини, уйдагиларнинг меҳр-мурувватига алданиб, фарзандларини ота уйдан махрум этилганлигини тушуниб етмади, тушунтирадиган одам эса топилмади.

Тўғри, ҳар кимнинг ёру дўсти, яқинлари бор... Лекин шакарнинг ози ширин деганларидай, меҳрибончилик ҳам меъерида ва бегараз бўлгани яхши экан. Чарос каби турмушда адашганлар бўлмаса эди, бегуноҳ гўдакларнинг аламли йиғисини камроқ эшитардик...

ИРОДА

Инсон табиати қизиқ. Гоҳо кулса, гоҳо йиғлайди. Баъзан ғам филдек одамни ҳам букиб қўяди. Ерга қадаган уруғи барвақт униб чиқса, қувонади, ўтқазган дарахти кўкариб ҳосилга кирса, шодлиги бир дунё бўлади.

Киши иродаси ана шундай яхшилик ва ёмонлик, борлик ва йўқлик, ғам ва шодлик оралиғида товланиб борар экан.

Сувти қишлоғидаги бир оилани биламан. Эр-хотин аҳил турмуш кечиришарди. Худо уларга кетма-кет фарзанд ато этар, бироқ гўдаклар бир ёшга етар-етмас қазо қиларди. Шу зайлда, ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўнта боласини тупроққа топширган ота-онанинг афсусини таърифлашга сўз ожиз.

Иттифоқо, аёл ўн биринчи фарзандига ҳомиладор бўлди. Буниси ҳам буюрмайди, деб она эътиборсиз бўлди. Оллоҳнинг иродаси билан фарзанд ниҳоятда соғлом, тетик туғилди. Эр-хотин, Худонинг қаҳри келиб буни ҳам олмасин деб, уни ортиқча эркалатмай ўстиришди.

Анзират оиланинг сўнги умиди, ишончи, ёнган чироғи эди. Тангри унга бир дунё ҳусну малоҳат, куч-қувват, шижоат ато этганди. Илоҳим, ака-укаларининг умрини ҳам шу фарзандимизга қўшиб берган бўлсин, деб илтижо қила-қила ота-она оламдан ўтдилар.

Қишлоқда Эргаш исмли бир йигит бўлиб, у одамларнинг молини боқиб, тирикчилик қиларди. Ҳалол, диёнатли йигитга қишлоқ аҳли Анзиратни никоҳлаб олиб беришди. Иккала ёш аҳил ҳаёт кечира бошлади. Анзират ўз ҳаёти давомида юз берган барча воқеа-ҳодисаларга фақат Оллоҳнинг иродаси, деб қарайди. Инсон пешонасида ёзилганидан ортиғини кўролмайдди, деб ўйлайди.

Эргаш ҳамон мол боқади, дастлаб одамларнинг, кейинчалик колхоз молларини етаклайди.

— Эр қаерда бўлса, хотин ўша ерда бўлиши керак, — дейди Анзират опа. — Қанча вақт уй-жойсиз кўчманчи бўлиб яшаб юриб, охири муқим иш топдик, мана, худога шукур, уй-жой ҳам қилдик.

Эргаш ака аввал ота, сўнг бобо бўлди. Анзират опа эса буви. У ҳозир 66 ёшда бўлса-да, ҳамон эри билан ёнма-ён мол боқади, фарзандлари билан ғўза чопиқ қилиб, томорқада ёшлардек ишлайди. Куч-ғайрати тўлиб-тошган бу аёл ҳамиша тетик, бардам.

– Катта қизингиз келиб турадимиз, жуда соғинсангиз керак? – деб сўрайман опадан.

– Қаёқда дейсиз, ахир у Туркманистоннинг Тошовуз вилоятига турмушга чиқиб кетган. Жуда узоқ-ку, дейсизми, – давом этади она дил дафтарни очиб. – Ўзимиз мол боқиб ўтдик. Болаларимиз ўқисин деган эдик. Қизим Тошкентда ўқитувчиликка ўқиб юриб, туркман йигит билан танишибди. Ёшларнинг орзу ҳавасларига тўсқинлик қилмадик. Зўрлаб бошқасига узатсам, бебахт бўлса, бутун умр азобда, виждон қийноғида яшаймиз, деб ўйладик. Ҳозир фарзандлари бор. Аҳил оила бекаси. Ҳар йили бир марта келиб-кетишади. Шунисига ҳам шукур.

Узоқдаги фарзандини кутишдек оғир дақиқаларни сабр-бардош билан ўтказаятган аёл иродасига ҳайрон қоласан киши.

– Кенжа қизингизнинг турмуши бўлмабди-да, куёв йигитни яхшироқ суриштириб... – деб сўрайман яна.

– Кенжағойимни салкам элик ёшимда Худо берган эди. Тақдири шундай эканми, ортиқча сўраб-суриштиришга андиша қилдик. Қизим йигирма кун ҳам яшамай, қайтиб келди.

Ҳозир невара кутяпман. Судма-суд судралиб юрмадик. Уриш-жанжалсиз ажратиб олдик. Берадиган нафақасидан ҳам воз кечдик. Сабаби, чолим:

– Ўғрининг пули ҳам ҳаром, – деди. – Ўзимиз бир амаллаб боқиб оламиз. Қариган чоғимизда бизга қизи суянчиқ, невараси эрмак бўлсин, деб. Оллоҳ шуни раво кўрган бўлса, ажаб эмас.

– Неварам ўғил бўлса, албатта тракторчи қиламан. Ахир ҳар йили ерни ҳайдатишда уловга жуда зор бўламиз. Албатта тракторчи бўлади.

Анзират аянинг бежирим жуссасига, томирлари бўртиб, қорайиб кетган қўлларига ҳавасим келади. Ҳаётдан нолимаслик, ишонч-эътиқод инсонга ҳамроҳ бўлса, ҳар қандай тўсиқни енгишига яна бир бор имон келтираман.

Бу аёлнинг кексалик ониди ҳам, даври-даврон суриш ўрнига ҳамон эл хизматини қилиб келаётгани, гаму ҳасратларга бўй бермаганлиги, қадди ҳамон шамшоддеклиги, ҳар бир ишга Оллоҳнинг иродаси, у шуни хоҳлаган деб ўзига руҳий мадад бераётгани, орзули дунёда катта умидлар билан яшаётгани мўъжиза эмасми!

ЎШАНДА БАҲОР ЭДИ...

Бугун Муаттарнинг ҳаётида унутилмас кун. Севган йигити билан никоҳдан ўтади. Ҳализамон дугоналари келиб қолади. У бўлса, бир никоҳ қўйлагига, бир онасининг суратига термулади.

— Оҳ, онажоним, менинг бахтиёр дамларимни кўрсангиз эди. Ахир шу ёшга етгунимча озмунча машаққат чекдингизми? Бизни тарбиялаб вояга етказиш, ўй-рўзгор ишлари, қайнона-қайнота олдидаги келинлик вазифалари, боз устига дардингиз — ҳамма-ҳаммаси сизни жуда эрта қаритди. Тез-тез бетоб бўла бошладингиз.

Бир оқшом сочларимни силаб туриб айтган сўзларингиз ҳамон ёдимда:

— Қизалоғим, одобли бўлгин, меҳнатдан қочма, ўзгаларга ҳамиша яхшилик қил, дадангга, укаларингга меҳрибон, ғамхўр бўлгин. Қиз бола бировнинг хасми. Ўзга оилада ўсиб-униш учун сабр-тоқат керак бўлади.

Муаттар ўшанда бу сўзларнинг тагига етмас, фикри-ёди эртага синфдошлари билан борадиган лола сайлида эди. Ўша дамда хаста онасининг кўнглидан нималар кечганини англай олмай, доғда қолганидан бугун армонда.

Ўшанда баҳор эди. Атроф кўм-кўк либосга бурканган. Мевали дарахтлар, чаман гуллаган боғларда чучмомалар очилган... Онаси қизига эмин-эркин рухсат берди:

— Майли қизим, кўзим очиқлигида ўйнаб қол, кейин армон қилма, деди лаблари пичирлаб. — Мен тузукман, борақол.

Охудай сакраб чопқиллаганча кетган қизалоқ ўзини кечқурун фожеа кутаётганини хаёлига ҳам келтирмасди.

Тушга бориб Манзураининг дарди ҳуруж қилди. Дўхтирнинг доридармони ҳам наф бермади. Сўнгги нафасигача тилдан қолмади. Гапириб туриб фароғат топди.

Бу пайтда Муаттар қир-адирда гулдан-гулга чопиб, ёшлик завқини сурарди. Бир хуснига ўн хусн қўшилиб, қўлдаги гулидай очилганча уйга келгач, катта хато қилганлигини англаб етди.

Орадан қанча баҳор ўтди. Муаттарни куёвга беришяпти. Бугун никоҳ.

— Онажоним, меҳрибоним, сизнинг жуда ганимат эканлигингизни нега мен тушуниб етмадим? Сиз бетоб бўлиб ҳам, менинг кўнглимга қарадингиз. Мен эса лола сайлини афзал кўрибман-а.

Сизнинг ўрнингиз ҳар доим, айниқса шу бугун жуда билиняпти. Сизнинг маслаҳатингизга, оқ фотиҳангизга интиқ, интизорман. Нодон қизингизга бахт тиланг, онажон!

Муаттарнинг қўлларидан кимдир майин ушлади, никоҳ қўйлагини кийишга кўмаклашди. У оппоқ либосда тошойнага тикилиб, ортида дафъатан онасининг сиймосини кўргандек бўлди.

Эшик очилиб, хонани баҳор гулларининг муаттар иси тўлдирди. Бир кучоқ лола кўтариб хонага куёв кириб келди. Хаёллар гирдобида гангиб, қиз ўзини туголмай, бирдан йиғлаб юборди.

— Йиғламанг, Муаттар, — деди Асқар. — Биз бу гулларни олиб, тўғри аямларнинг қабрлари устига бориб сочамиз, улардан оқ фотиҳа оламиз...

Қатралар

БУЮК НЕЪМАТ

Шанба яқинлашган сари Башоратнинг юраги ҳам қувончдан, ҳам ташвишдан энтикади. Қувонадигани шуки, ёлғизгина ўғли ўқишдан келади. Кўз тегмасин. Ботиржон ғоятда меҳрибон. Онаси гоҳ ошхона куймаланаётган, гоҳ томорқада ишлаётган бўлмасин, бўйнидан кучоқлаб, юзларидан ўпади. Шунда онанинг ҳамма чарчоқлари тумандай тарқалиб кетади.

Ташвиши ҳам етарли. Бир кунгинага келган боласига бирор тансиқ таом тайёрлаб едириш, қўлига бироз пул тутқизиш керак. Шу боис, сигирнинг елинини узиб юборгудай тортқилаб, сутини соғиб олади. Қаймоғини алоҳида, сут-қатигини алоҳида пуллайди. Қақағлаган товуғининг орқасидан чопади. Кетмон кўтариб томорқани пайпаслайди. Ош кўки олиб бозорга чопади.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб бежиз айтилмаган. “Отамнинг ҳол-аҳволи қандай, ишлари жойидами, соғлиқлари дурустми?” — демайди ўғли тушмагур. “Онамнинг кўзлари ич-ичига киртайиб кетибди, нима еб, нима ичяпти экан, ранглари сўлиб қолибдими?” — деб ўйлаш қаёқда. Унинг ўрнига:

— Аяжон, берган пулингиз етмаяпти, кечаги сафар бозорликдан уялдим, картошка майдароқ, гуручингизнинг курмаги кўп экан, ошимиз ўхшамади, — дейди Ботиржон ҳеч нарсани ўйламай.

Дикиллаб турган бузоқни сотиб, кўчат олиб далага чиққан Турдибойнинг ҳафсаласи пир бўлди. Тузукроқ даромад олсам, уйнинг чаласини битираман, ўғлимга яхши ният билан деворжавон оламан, деган эди. Ҳамма кўчатларни совуқ уриб кетди. Ўрнига бодринг, ҳандалак экиди. Буёғи энди нима бўлади, ўзи ҳам билмайди.

Фарзанди ўқишга кирганидан ота-онанинг кўнгиллари тоғдек кўтарилгани рост.

— Бизнинг боламиз ҳам эл қатори олий даргоҳларда ўқиб билим оляпти, юртга, эл ишига ярайдиган инсон бўлади, — деб қувонишди. Ишқилиб бу қувончининг умри боқий бўлсин. Лекин ота-онани тирикчилик чарчатди.

— Майли дейди Турдибой, — югур-югурдан хориган турмуш умр йўлдоши Башоратни юпатаркан, ўғлининг чиройли бўй-бастига маҳлиё бўлиб, — юртимизда тинчлик ҳамиша барқарор бўлсин, бошқа ҳамма мушкулотнинг чораси бор. Ҳозирги қийинчиликлар ўтқинчи. Эрта-индин туш каби эслаб юрамиз.

Ҳа, тинчликдан, хотиржамликдан буюкроқ нима бор бу дунёда. Оддий, содда деҳқон ўғлининг илмли бўлиши, эл-юрт корига яраши билан боғлиқ покиза тилаклари денгиздан томчидек юртнинг тинчилигига, хотиржамлигига мустаҳкам пойдевор бўлса ажаб эмас...

ҒАЙРАТ

Одам қаригандан кейин ёш болага ўхшаб қолар экан. Ёш боланику uriшасан, дашном бериб, бақириб-чақириб губоринг тарқайди, кексаларга бир нарса десанг дарров кўнглига олади, хафа бўлади.

Ҳадича буви ҳам қилғиликни қилиб қўйиб, ҳам азоб тортди, ҳам ҳижолат бўлди, дардини ҳеч кимга айтолмади.

... Кеча нонуштадан кейин хассасига суяниб ташқарига чиқди. Охиста ҳовлини айланди. Атиргуллар орқасида мавж уриб ётган укроп билан кашничнинг ўт ичида қолганини кўриб, феъли бузилди. Дарров ғайрати кўзиб, ерга ўтириб олганча, кўкатларни бегона ўтлардан тозалай бошлади.

— Бувижон, уйга кириб, заҳ ўтади, қўлим бўшаса ўзим қиламан, — зорланди невара келин.

— Ишингиз кўп, қоқиндигим. Шу кафтдек жойни ўзим эплайман, — дея астойдил ишга киришди.

Бир пастда бир тутам ўт юлмасданоқ бувининг серажин юзидан реза-реза тер оқди, лекин қилган ишидан кўнгли тўлгандек бўлди, ишини охирига етказолмай уйга кирди.

Кечга бориб Хадича бувини иситма олди. Одатдагидек ўғиллари атрофида парвона бўлишди. Дори-дармон ичиришди. Бетобликнинг сабабини билишолмай ҳайрон эдилар. Фақат невара келингина буви кундузи чала қолдирган ишни ниҳоясига етказиб, хонага бир тутам кашнич кўкини кўтариб кирди. Хонани бир зумда хушбўй ис қоплади. Шунда Хадича буви невара келинни бағрига босиб дуо қилди:

— Илоё умрингиздан барака топинг, қизим. Кашнич яйраб ўсади энди.

Бу гапнинг мағзини ёлғиз кенжа келин-у, бувидан бўлак ҳеч ким чақмади...

ЧУЧУК МОМО

Меҳр-оқибат. Эртанги кунга умид билан етакловчи бу туйғулар сира-сира тугаб қолмаслигини, яратгандан илтижо қилиб сўрайман. Эллик йиллик умргузаронликда орттирган қатъий хулосам шундай. Бу тириклик дунёсида ҳамма нарсанинг чегараси, ҳар кўргуликнинг интиҳоси бордек туюлаверади. Лекин меҳрнинг сим-сим булоқлари тугамаслигига, унинг тошларни ёриб милтиллаган кўзлари сира-сира ёпилмаслигига ишонгим келаверади. Ана шу меҳрга суяниб, ишонч илинжида ёруғ кунларимга режалар тузаман, юрак йўрғаклаган покиза туйғуларга эргashiб яшайман...

Эҳтимол, шу боис ўтаётган онларим, кунларим, йилларимда мазмун бор, ширин хотира бор...

* * *

Бу ўйлар мени беихтиёр болалигим сари етаклайди. Чучук момо дил-дилидан айтилган ана шу каломдан орадан қанча йиллар ўтган бўлсада, қувват олиб яшайман. Ўшанда биз қишлоқ болалари унинг иссиқ бағрида эркалашларидан баҳра олардик. Болаликнинг беғубор, ўйинқароқ дамлари шу хонадонда ўтарди. Бу оилада ўзаро ҳурмат, оқибат, содда беғуборлик мавжуд эди. Гоҳида кундалик беадад юмушлар билан машғул бўлган онамиздан, опамиздан тополмаган меҳрни, оқибатни бизларга иссиқ бағрини очиб, Чучук момо ҳадя этарди.

Йиллар ўтиб, Чучук момони бот-бот қўмсайдиган бўлиб қолдим. Волидаи муҳтарамам билан узоқ тунлар мижжа қоқмай момодаги саховатпешалик фазилатлари хусусида сўзлаб, адоғига етолмаймиз.

— Болам, бу дунёда Чучук момо сингари мўътабар оналар борлиги учун дунё боқийдир, — дейди онам энтикиб.

Онамнинг сўзларини тинглаб, хотирамда беихтиёр шу сўзлар тикланади:

— Айнам қизим, мана булар сенга, — момо этагидан ёнғоқ, жийда, туршак тўкади. Чучук момо қутисидан чиққан ёзнинг тансиқ-тансиқ мевалари этак-этак бўлиб бутун қишлоқ болаларига тақсимланарди.

— Тунов кунни келинимдан эшитдим, — сўзга-сўз улайди онам. — Момо тўқсон ёшни ортда қолдириб ҳам ҳамон ўша-ўша сахий эмиш. Бир этак неvara-чевараларидан орттириб, қишлоқ болаларининг ҳам юракларига меҳр улашишни ҳамон канда қилмаётган экан...

Муроталилик табиб Чучук момо ҳақидаги таассуротларим бамисоли минг кўзлик чашмадек тиниқлашаверади. Қоғоз қоралашга киришар эканман, юрагимда алланечук жўшқин ҳиссиётдан энтикаман. Момо кўрсатган беҳисоб меҳр-хурматни, у бокира онахоннинг ажойиб инсонларга хос фазилатларини, халқ табобати йўлидаги беминнат хизматларини ўз ўрнида топиб айта олармиканман, деган андишадан хавотирга тушаман. Ҳаммага момо умрини тиларканман, бугунги турмуш заҳматларидан элликка кирмаёқ қариликни бўйнига олаётган аёлларга Оллоҳдан бағрикенглик, сабр-қаноат сўрайман. Момо кексаликда меҳр-саховат кўрсатишни канда қилмаяпти. Демак, оналар қалби меҳрдан, оқибатдан яралган экан.

Момо қишлоқда ибратли оила бекаси. У тўрт фарзандини хушфезъл этиб тарбиялаш билан бирга, касб-ҳунарли қилди. Оила бошлиғи Зиёвиддин ота илм-маърифатли, аини пайтда тақводор киши эди. Хўжалик ишидан ортганда муқаддас китоб — Қуръони Каримни қўлидан қўймас, ҳадису шарифни мутолаа қиларди. Шу боисданми хонадонда тарбия кўрган фарзандлар Камолиддин, Эргаш, Муҳтарам ва Саодатлар жамиятга фойдаси тегадиган, эл корига ярайдиган кишилар бўлиб етишишди. Маърифатли, меҳр-оқибатли бу хонадондан қишлоқ ёшлари кўп сабоқ олишгани ҳам бор гап.

Чучук момо ёдга олганда, томирлари бўртиб турган, бироқ мулойим кўлларида шифо топган хаста беморларнинг кўзларида ҳаётга муҳаббатни, беғубор шодумонликни кўргандек бўламан.

Момонинг бутун келинлари қайнона, невараларидан бири келин, бири куёв. Момонинг ҳаёт сабоқларини олган келинлар энди келинларини ўзлари каби қаноатли, садоқатли, меҳнатсевар бўлишга оила бирлигини, муқаддаслигини сақлаб, соғлом фарзандлар тарбиялаб ўстиришга даъват этмоқдалар.

Бироқ ҳаётда меҳр-оқибатдек покиза туйғуларга соядек эргашиб юрадиган худбинлик, разолат ҳам йўқ эмас экан. Баъзи оилаларда кексаларга ҳурматсизлик бўлаётгани, улар хонадонларимизнинг фариштаси сифатида муносиб қадр топмаётганлигидан эзиламан.

Бизни шу ёруғ кунларга етказган кексаларга меҳр-оқибат кўрсатиб, уларга шукроналар айтиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Афсус арзимаган мол-дунёдан эсанкираб, ҳавойи бўлиб қолаётган ёшларнинг “қайтар дунё” деганларидек, эртага кексайган чоғда бошларида не кўргуликлар кечар экан? Ўшанда улар оддий ҳаёт синовлари олдида бошлари эгилиб қолмасмикан? Не машаққатлар билан қурилган оила кўрғони бузилиб кетмайдими?

Чучук момо ўшанда мана шу сўзларни доимо эслатувчи эдилар.

– Бўйларингдан момоларинг қоқиндиқлар, эътиқодли, иймонли бўлинг, шунда оилангиз тинч, фарзандларингиз аҳил бўлади.

Ажаб, момонинг ўғитлари ҳали-ҳануз оҳорини йўқотмаган.

Мен момо тимсолида маънавиятнинг теран илдиэларини илғагандек бўламан.

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ

Кун қизигандан қизиди. Дарахтлар учи қилт этмайди, гўё бутун борлиқни саратоннинг жазирамаси ўз домига тортган. Ҳатто уй ичи ҳам қизиган тандирдай иссиқ.

Шундай кезларда хаёлан кун қизигида далада яратувчилик иши билан банд аёллар эмас, негадир бозорда тирикчилик деб, кун бўйи тик оёқда туриб савдо қилаётганлар ўтади. Улар буюмларини сотиш илинжида ярим кечадан кун ботгунча сарсон-саргардон бўладилар, асаблари таранглашади, ўзларига икки ҳисса оғир юкни кўтариб, уйга қайтадилар. Яна қозон-товоқ, супир-сидир, кир, деб тайинли ухламай бозорга чопадилар. Улар қачон дам олишади, қачон ўзларига қарашади, фарзандлари тарбияси билан қачон шуғулланишади?

Эркаклар қаерда, улар қандай юмуш билан машғул. Рўзғор ишлари эрлар иши эмасми?! Озга қаноат қилмай қолдикми ёки орзу ҳавас, деб шунчалик ўзимизни ўтга-чўққа уряпмизми?

Бувим раҳматли: — Бобонг оддий ўтинчи эди. Ўтин сотиб тирикчилик қилардик. Қора қозон баҳоли-қудрат қайнаб турарди, кечасилари тирикчиликдан бўшаганимда онанг ва холаларингни ёнимга олиб, дўппи, белбоғ, рўмоллар тикардик, уни бозорга олиб чиқиб, ортганига қизларимга сеп ҳам йиққанман, дердилар.

Замона зайли билан қаҳатчиликни, қимматчиликни, адолатсиз урушни кўрган бувим сабр ва бардош, матонат билан яшади. Фарзандларини ҳам ана шундай яшашга ўргатди.

Тўғри, бувим қизларини ўқитолмади, саводини чиқаришга имкон тополмади, лекин уларни сабрли, иймонли-этиқодли, ҳунарли, одобли қилиб тарбиялади. Бутун умр пок яшади, бирор бир номаҳрамга тик қарашни номус деб билди. Ўчоғига қуриган янтоқ, похол ёқиб, атала пиширди, бўздан кўйлак кийди. Ўтган ҳар бир тинч куни учун яратганга шукроналар айтди, ҳаромдан хазар қилди, шу боисми, соғлом яшаб, касаллик нималигини билмади, юз йил умр кўрди.

Шуларни хотирлар эканман, девордармиён кўшни аёлнинг эрига қилган хасрати қулогимга чалинди:

— Бугунги кунимга минг лаънат. Ҳеч савдо бўлмади. Рўзғорга ҳам пул чиқмади, устига-устак чекчи ҳадеб пул деб келавериб, тинкамни қуритди. Жаҳл устида паттачини бисотимдаги ҳамма сўзлар билан қовуриб ташладим. Иккинчи бор яқинимга йўламайдиган бўлди.

— Боплабсан-да, хотин, — эрининг овози эшитилди.

Турмуш деб, тиркчилик деб ўзини ўтга-чўққа уравериб, асабийлашиб қолган нозикниҳол аёллар бугунги кунда эркаклар билан юзма-юз олишса, бунга нима деймиз. Хотинини бозорга юбориб, ўзи уйда қолган эркакка-чи? Ҳар куни тиним билмай бозорга чопаётган аёлнинг оиласи қандай бўлади, болаларини меҳрли, оқибатли, меҳнатга лаёқатли қилиб тарбиялашга қачон вақт топади?

Таниш тижоратчи аёл ойнаи жаҳондан маънавият ҳақидаги ажойиб кўрсатувни томоша қилаётиб, дафъатан йиғлаб юборганининг гувоҳи бўлганман.

— Қаранг, опа, аёллар, оналар шунчалар эъзозга лойиқ эканлар. Бизнинг устига юк ортилган эшакдан фарқимиз қолмаган...

Маънавият деган сўзнинг мағзини чақолмай гаранг ўтирган, ўттизга кирмаёқ оғир юк зарбидан қоқ суяк бўлиб, ўтинга айланаёзган ёнимдаги аёлга астойдил ачинаман. Бир этак болаларининг қорнини тўйғазиш, эгнини бутлаш ташвишидан ортолмай қолган аёлни ким ҳимоя қилади? Ўз заифасининг топиб келаётганидан мамнун бўлиб, чойхонада паловхўрлик қилаётган эркакни бундоқ инсофга чақиришдан қачонгача хадиксираймиз? Ахир эркакларни

оиланинг устунни деб беҳудага олқашмаган-ку! Ўз шаърий аёлининг саломатлигини, бугун бўлмаса эртага боши ёстиққа етганида тан маҳрам сифатида атрофида парвона бўлишини ўйламаган эркакнинг маънавиятини соғлом, деб бўладими?

Ишсиз ўтирган аёлларни эҳтимол тушуниш мумкиндир. Нима учун малакали мутахассис, ўз соҳасининг билимдони ўқитувчи аёллар бозорга чопяптилар? Гиппократ қасамини ичиб, эгнига оқ халат кийган шифокор аёллар-чи? Улар нега бугун бозорда, ахир шулар эмасми, маънавиятимиз тарғиботчилари, саломатлигимиз посбонлари?

Яқинда хорижлик бир меҳмонимиз ойнаижаҳон орқали жумладан шундай деди:

— Ўзбекистон озод бўлганидан буён икки бор келдим. Ўзгаришларни кўриб, севинч ёшлари кўзимдан оқди. Меҳмондўст ўзбек халқининг тўю-маъракаларида ҳам бўлдим. Очиғи, бу қадар тантилик, исрофгарчиликларни кўриб, таажжубландим. Бизда — хорижда энг бақувват бойлар ҳам, бизнесменлар ҳам шунчалик тўкиб-сочиб тўй қилишмайди. Ортиқча сарф-харажатлар учун кетадиган маблағни соғлиқларини яхшилашга, дам олишга, илм эгаллашга, сайру саёҳатларга сарфлашади...

Ҳақ гап. Бизда бир кунлик орзу ҳавас, деб йиллаб меҳнат қиламиз, кийинмай бисот йиғамиз, емай-ичмай тўплаймиз. Бундай “тўпла-тўпла”ларнинг, харажатларнинг оғир юки аёл гарданига тушади.

Аёл бу энг аввало она. У ўз фарзандлари тарбияси билан етарли шуғулланмас экан, маънавият ҳақидаги, келажак, ёшларнинг одоби, ахлоқи, маърифати тўғрисидаги эзгу орзуларимиз, узундан-узоқ гап-сўзларимиз ҳавога учаверади. Зеро, юртимизда тинчликнинг барқарорлиги, оилаларимизнинг бутунлиги, дунё мамлакатлари олдидаги беқиёс шон-шуҳратимиз салмоғи ана шу мунис ва донишманд оналаримиз, муқаддас аёлларимизнинг ўз фарзандларига берадиган тарбиясига жуда-жуда боғлиқ.

ҚАЙДАСАН, ЮПАНЧ СЎЗ!

— Ҳеч ким кексайганида “болам” деб юрак-бағри куймасин экан, — дейди сиҳаттоҳдаги ҳамхонам Жамила опа чуқур уф тортиб. — Навқирон ёшда кичик ўғлим тўсатдан вафот этди. Уч нафар фарзанди чирқиллаганча қолди, қани энди уларнинг ўксик кўнглини кўтариб бўлса!?

– Фарзанд доғи ёмон экан, синглим, – дея давом этди у. – Хира тортган кўзларимни нақ ожиз қилаёзди. Устига-устига, юрак курғур тез-тез хуруж қиладиган бўлиб қолди.

Жамила опа бўртган қовоқлари орасидан сизиб чиқаётган кўз ёшларини қўллари билан яширолмади. Ёшлар юзларини ювиб, ерга думалади.

Ҳамхонам сўзларини тинглаб ўйга толаман. Тақдир кишини энг сўнгги нафасига қадар синайверар экан. Ана шу синовларга дош берган, ўзини мардона тутиб кураша олган одамгина комил инсон бўларкан.

Жамила опа оз эмас, ўттиз уч йил институтда талабаларга сабоқ берибди. Уларни нузли келажак сари даъват этибди. Юзлаб-минглаб шогирдлари бугун ақли комиллар сафида савлат тўкиб юрган бўлса, ажаб эмас. Шундай муниса устоз қанча мурғак қалбларга ҳаёт шамини ёқибди. Лекин тақдирни қарангки, нуридийдасидан жудолик уни тамоман ҳолдан тойдирибди.

Шу тобда Жамила опага бир оғиз юпанч сўз даркор. Бу сўз фарзанд доғи юкидан толиққан юракнинг туб-тубига етиб бориши, бамисоли яллиғланган ярага малҳамдек шифо бағишлаши зарур.

Эҳ, қайдасан, юракларга дармон, юпанч сўз!...

СОҒИНИШ

Турмуш ташвишларидан, оилавий машмашалардан андек холос бўлиш нақадар кўнгилли. Бироқ инсон табиатида яна бир ҳиссиёт мавжудки, у яна сал фурсат ўтмай, ўша ташвишу машмашаларнинг пойига бош урганини билмай қолади. У – соғинч ҳисси.

Онажон, сизни соғиндим. Ажин босган юзларингизни, меҳр ва мурувватга лиммо-лим мулоийм боқувчи кўзларингизни, сочларимни силаб-сийпалагувчи қўлларингизни жуда-жуда соғиндим. У соғинч ҳисси бутун вужудимни олов бўлиб куйдирмоқда. Қанот чиқариб сиз томон учсам, дейман.

Ҳамиша эслаб, ўзига чорлаб турувчи Сиз борлигингизга, бу ёруғ дунёда саботу бардошни зийнат, деб билганингизга, бот-бот таъзим қиламан, онажон! Зеро, мени мўъжаз бир шаҳарда оилам, шириндан-шакар набираларим қаторида Сиз муҳтарама онажоним кўзларингиз нигорон бўлиб, соғинч ила кутаётганлигингизни биламан.

Сизнинг борлигингизга шукроналар айтаман, онажон!

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

“Мен ўзи қандай аёлман”	3-9
Аяжон, кўзингизни очинг	9-10
Умидли дунё	10-15
Хижолат	15-17
Пушаймон	17-19
Соғинчга тўла кўзлар	19-20
Бахт ва бахтсизлик оstonасида	20-22
Тош қотган дийдалар	22-24
Кундошлар	24-25
Мағрурланиш оқибати	25-26
Меъёр	26-28
Ирода	28-30
Ўшанда баҳор эди	30-31

Қатралар

Буюк неъмат	31-32
Ғайрат	32-33
Чучук момо	33-35
Сен барибир муқаддасан муқаддас аёл	35-37
Қайдасан, юпанч сўз	37-38
Соғиниш	38-38

Сайёра ЙЎЛДОШЕВА

УМИДЛИ ДУНЁ

Ҳаётӣй ҳикоялар, қатралар

Муҳаррир *С. Нишонов*
Бадий муҳаррир *А. Турсунов*
Техник муҳаррир *Р. Исакулов*
Мусаҳҳиҳ *З. Жалилова*

Босишга 2.02.2007 й.да рухсат этилди.
Бичими 60x84 ¹/₁₆
Босма табағи 2,5. Адади 500 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 23

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33